Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

ÖZBEKİSTAN AVAZI

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1994 йил 28 апрель, пайшанба № 80 (21.684). Сотувда эркин нархда.

ФРАНЦИЯ РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ФРАНСУА МИТТЕРАННИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА ДАВЛАТ ТАШРИФИ

УРГАНЧ, 26 апрель. Франция Республикаси Президенти Франсуа Миттеран билан Даниель Миттеран хоним Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Татьяна Каримова ҳамроҳлигида Хоразм заминига ташриф буюрдилар.

Урганч шаҳри аэропортида миллий либосларда-ги кўҳлик қизлар икки мамлакат Президентлари ва уларнинг рафиқаларига гуллар ҳадя этдилар.

Мўътабар меҳмонлар тушган автомобиллар карвони Хива шаҳри сари йўл олди.

Урганч-Хива катта йўлида ҳам, икки мамлакат байроқларию қутлов сўзлари битилган шиорлар билан безатилган шаҳар кўчаларида ҳам мингминглаб хоразмликлар меҳмонларни олқишлар билан кутиб олдилар.

Икки мамлакат Президентлари ва уларнинг рафиқалари кўҳна Хива шаҳрининг жаҳонга машҳур тарихий ёдгорликларини зиёрат қилдилар. Ичон қалъадаги тарихий-меъморий обидаларни, кўҳна аркдаги Хива хонлари хос хонаси, Тош ҳовлини кўздан кечирдилар. Хоразмнинг сўнгги хони, шоир Феруз ва унинг авлодлари суратлари кўргазмаси, Юнусхон мадрасаси олдида намойиш қилинган халқ фольклор дасталарининг томошалари, Хоразм халқ қўшиқ ва рақслари меҳмонларда қлиқ таассурот қолдирди.

Тош ҳовлида ҳар иккала мамлакат Президентлари оммавий ахборот воситалари мухбирлари билан қисқача суҳбатлашдилар. Франция раҳбари «Биз Ўзбекистонга бунёдкорлик ниятида келдик», деди. Президентлар икки буюк халқ дўстлигининг келажаги порлоқ эканини таъкидладилар.

Зиёрат давомида олий мартабали меҳмонларга Хоразм вилояти ҳокими М. Жуманиёзов ҳамроҳлик қилди.

Шу куни меҳмонлар Тошкентга қайтишди.

●

Франциялик мўътабар меҳмон ташрифининг тушдан кейинги дастури пойтахтимизнинг Алишер Навоий боғидан, буюк бобокалонимиз ҳайкали пойига гуллар қўйишдан бошланди.

Алишер Навоийнинг абадий барҳаёт асарлари бугунги кунда жаҳондаги ўнлаб тилларда, жумладан, француз тилида ҳам жаранглamoқда. Буюк шоир бундан беш аср муқаддам «Жаҳон аҳли, билингиз, иш эмас душманлиг, ёр ўлунг бир-бирингизгаки, эрур ёрлиг иш» деб хитоб қилган эди. Мамлакатимиз раҳбарияти юргизаётган ташқи сиёсат бу ҳикматли сўзларга садоқат намунасидир. Турли қитъалардаги эзгу ниятли, ўзаро манфаатли ҳамкорлик ўрнатишни истаётган барча кишилар учун эшикларимиз ҳамиша очиқ. Франция Президенти эса Европада бирлашув жараёнини бошлаб берган «Маастрихт шартномаси»нинг ташаббускорларидан биридир. У жаҳондаги бошқа мамлакатлар, шунингдек, Марказий Осиё давлатлари билан алоқаларни мустаҳкамлашга интилмоқда.

Ф. Миттеран буюк шоирни ҳурмат ва эъзоз билан ёд этди. Бу ерга тўпланган шаҳар аҳли ва жамоатчилик вакиллари икки мамлакат раҳбарига бўлажак музокараларда муваффақият тиладилар.

●

Ўзбекистон ва Франция раҳбарлари ўртасидаги мулоқот ва ўзаро музокаралар Тошкентдаги Халқлар Дўстлиги саройида бўлиб ўтди.

Дастлаб Ислом Каримов ва Франсуа Миттеран қисқача яккама-якка суҳбат ўтказдилар. Сўнгра ҳукумат аъзолари иштирокида музокаралар бошланди.

— Франция Президентининг мамлакатимизга ташрифи катта аҳамиятга эга бўлган воқеадир, — деди Ўзбекистон раҳбари. — У икки мамлакат ўртасидаги муносабатларга янги равнақ бахш этади. Бизнинг Францияга сафаримиз чоғида ўзаро ҳамкорликнинг пойдевори қўйилган эди. Эндиликда уни янада мустаҳкамлашнинг ҳуқуқий асослари яратилмоқда. Франциялик дўстларимиз нефть ва газ, енгил ва қайта ишлаш саноатлари, соғлиқни сақлаш, қишлоқ хўжалиги соҳаларида яқиндан кўмаклашаётганликлари учун миннатдормиз. Ўзаро алоқаларни мустаҳкамлашда мамлакатимиздаги Франция элчихонаси ва элчи жаноб Жан-Поль Везиан катта жонбозлик кўрсатмоқда. Франциянинг турли соҳалар бўйича малакали мутахассислар тайёрлашдаги кўмагини ҳам алоҳида таъкидлаш зарур. Бугун имзоланадиган ҳужжатлар мамлакатларимиз ва халқларимизни янада яқинлаштиради.

— Мамлакатингиз ўзининг жўғрофий ўрни жиҳатидан алоҳида аҳамиятга эга, — деб таъкидлади Ф. Миттеран. — Ўзбекистон минтақада тинчлик ва барқарорлик манбаи бўлиб турганлиги ҳам жуда муҳим. Франция ва Ўзбекистон ишончли ҳамкор бўла оладилар. Бунинг учун барча имкониятлар мавжуд. Биз Ўзбекистон Президенти билан икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорликнинг барча соҳалари ва минтақавий муаммолар хусусида фикрлашиб олдик. Кўп масалаларда фикримиз бир жойдан чиқди. Ўзаро ҳамкорлик борасида анчагина ишлар қилинмоқда, аммо ҳали амалга оширилиши лозим бўлган ишлар ҳам кўп.

Музокаралар якунида икки мамлакат Ташқи ишлар вазирликлари ўртасидаги ҳамкорлик, Ўзбекистон Республикаси билан Франция Республикаси ўртасида фуқароларнинг эркин ҳаракати ҳақидаги битимлар, ҳаво транспорти соҳасида ҳамкорлик тўғрисида қўшма декларация имзоланди. Бу ҳужжатлар икки мамлакат фуқаролари ўртасидаги борди-келдини осонлаштириш, иқтисодий, сиёсий, маданий алоқаларни кенгайтиришга хизмат қилиши, шубҳасиз.

Музокараларда Франция ҳукумати расмий вакили, бюджет вазири Никола Саркози, Европа ишлари бўйича делегат-вазир Ален Ламассур, Миллий Мажлис депутати, парламентдаги француз-ўзбек дўстлиги гуруҳининг президенти Шарль Гербрант, сенатор, Сенатдаги «Франция—Марказий Осиё» гуруҳининг президенти Жак Голье, Франциянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Жан-Поль Везиан ва бошқалар иштирок этдилар.

Ўзбекистон томонидан Республика Олий Кенгаши Раиси вазифасини бажарувчи Э. Халилов, Бош вазир А. Муталов, Бош вазир ўринбосарлари Б. Ҳамидов, Қ. Ҳаққулов, Ташқи ишлар вазири С. Саидқосимов, Тошкент шаҳар ҳокими А. Фозилбеков ва бошқа расмий кишилар қатнашдилар.

●

26 апрель куни Халқлар Дўстлиги саройида Ислом Каримов ва Франсуа Миттеран оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашди. Албатта, журналистларни имзоланган ҳужжатлар, икки мамлакат ўртасидаги муносабатлар қизиқтирарди. Учрашувга Ўзбекистонлик ва франциялик мухбирлардан ташқари кўпгина хорижий мамлакатларнинг журналистлари ҳам тўпланган эди.

Президент Ислом Каримов бўлиб ўтган музокаралар хусусида сўзлаб берди.

— Жаноб Франсуа Миттеранинг мамлакатимизга ташрифи Франция билан Ўзбекистон ўртасидаги муносабатларни ривожлантиришда муҳим қадамдир, — деди Ўзбекистон раҳбари. — Музокаралар ва суҳбатлар кўпгина масалалар юзасидан қарашларимиз бирбирига яқин эканини кўрсатди. Иккала томон ҳам ҳамкорликдан манфаатдорлигини изҳор этди. Бизнинг сафаримиз пайтида Парижда имзоланган ҳужжатлар ёнига бугун икки мамлакат Ташқи ишлар вазирликлари ўртасидаги ҳамкорлик, Ўзбекистон Республикаси билан Франция Республикаси ўртасида фуқароларнинг эркин ҳаракати ҳақидаги битимлар, ҳаво транспорти соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги декларация қўшилди. Муносабатларимизнинг бундай ривожи унинг келажагига умид ва ишонч уйғотади. Ҳозирги пайтда иқтисодий, илмий, маданий соҳаларда алоқаларимиз кенгайиб боряпти. Франция ғарбдаги бошқа мамлакатларга ёш, мустақил давлатлар билан ҳамкорлик қилишда ибрат кўрсатмоқда. Зеро, тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли алоқалар иккала томон учун ҳам самаралидир. Албатта, ҳали фойдаланилмаган имкониятлар кўп. Бу борада Франция раҳбари билан фикримиз бир жойдан чиқди.

Шундан сўнг савол-жавоб бошланди. Журналистлар Президентлардан Ўзбекистон — Франция муносабатларининг истиқболи хусусида фикр сўрашди.

— Франция мустақилликка эришган Марказий Осиё давлатларига катта қизиқиш билан қарамоқда, — деди Ф. Миттеран. — Хусусан, Ўзбекистондаги барқарор вазият, ислоҳотлар йўлига садоқат францияликлар диққатини жалб этмоқда. Ўзаро муносабатларимиз тобора кенгайиб ва ривожланиб бормоқда. Ўзбекистон Президенти олти ой муқаддам мамлакатимизга ташриф буюриб, ўзаро алоқаларга замин яратди. Мен бу сафар ўзим билан кўпгина ишбилармонларни олиб келдим. Мақсадимиз — иқтисодий ҳамкорликни янада кенгайтиришдир. Бу борада аниқ режалар, таклифларни ўртага ташладик. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш, озиқ-овқат, нефть ва газ саноатй, қурилиш ва бошқа соҳаларда бирга ишлаш ниятимиз бор.

Ўзбекистон Президенти саволга жавобан бундай деди:

— Франция иқтисодий ва сиёсий салоҳияти жиҳатидан дунёда катта мавқега эга. Бу мамлакат билан ҳамкорлик иқтисодиётимизни юксалтиришда, ислоҳотларни муваффақиятли давом эттиришда муҳим аҳамиятга эга. Франция қудратли давлат сифатида Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорликни таъминлашга ҳам катта ҳисса қўшиши мумкин. Биз ўзаро алоқаларимиз мустаҳкамланаётганидан хурсандмиз.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги ва Евроосиё иттифоқи ҳақидаги саволга Ф. Миттеран: «Мамлакатлар ўртасида узоқ йиллар мавжуд бўлган алоқаларни сақлаш керак, албатта. Аммо бу бирлик қандай бўлиши лозимлигини унга аъзо мамлакатлар ҳал қилиши зарур», деб жавоб берди.

Ўзбекистон Президенти эса бу ҳақда шундай деди:

— МДҲ — зарур тузилма, у бўлмаганда Югославиядаги сингари воқеалар рўй берарди. МДҲнинг истиқболи иқтисодий ҳамкорлик, интеграцияни кучайтиришдадир. Ҳиссадорлик асосида трансмиллий корпорациялар бунёд этиш керак. Ўзаро пул ўтказиш масалаларини ҳам баҳамжиҳат ҳал қилиш мумкин. Евроосиё ҳақида фикримни илгари ҳам айтганман. Агар у умумий парламент, давлатлар устидан бошқарув тизими ва ягона фуқаролик масалалари билан боғлиқ бўлса, унинг собиқ СССРдан ҳеч фарқи қолмайди. Биз эса ортга қайтишга қаршимиз. Албатта, Европа иттифоқи бизга намуна бўлиши мумкин. Унда барча давлатлар мустақил, муштарак масалалар эса биргаликда ва тенглик асосида ҳал этилади. Эҳтимол, бир кун бизда ҳам ана шундай тузилмага эҳтиёж туғилар. Аммо бунинг учун маълум вақт керак, мустақил иқтисодиётимизни яратишимиз зарур.

Икки мамлакат раҳбарлари журналистларнинг бошқа саволларига ҳам батафсил жавоб қайтардилар.

●

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Франция Президенти Франсуа Миттеран Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ҳамроҳлигида 27 апрель куни Самарқандга жўнаб кетди.

Ташриф дастурига кўра, Тошкент аэропортида мартабали меҳмонни кузатиш маросими бўлди. Ўзбекистон ва Франция давлат байроқлари кўтарилди. Меҳмонлар шарафига фахрий қоровул саф тортди ва Давлат мадҳиялари янгради.

Шундан сўнг ҳар икки давлат раҳбари фахрий қоровул сафи олдидан ўтиб, самолётга кўтарилдилар.

Тошкент аэропортида мартабали меҳмонни Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши раиси вазифасини бажарувчи Э. Халилов, Бош вазир А. Муталов, Тошкент шаҳар ҳокими А. Фозилбеков ва бошқа расмий кишилар кузатиб қолди.

●

Самарқанд шаҳри ўз тарихида жуда кўплаб шонли воқеаларга гувоҳ бўлган. Соҳибқирон Амир Темурнинг буюк давлатчилик сиёсати Мовароуннаҳр шаҳарлари қатори Самарқандни ҳам жаҳонга танитди. Франгистон билан алоқалар ҳам ўша даврда бошланган. Бундан салкам чорак аср муқаддам эса Самарқандга Франциянинг собиқ Президенти Жорж Помпиду ташриф буюрганди. Юртимиз мустақилликка эришганидан сўнг Франция билан ҳамкорлик алоқалари янада теранлашди. Ҳозир Самарқанд аҳли францияликлар билан иқтисодий, маданий ва илмий соҳаларда ҳамкорлик қилмоқда. Француз қадимшуносларининг кўҳна Мовароуннаҳр тарихига қизиқишлари катта. Шунинг учун ҳам улар Ўзбекистон Фанлар академияси археология институти ходимлари билан биргаликда Афросиёбни ўрганишга киришмоқдалар. «Сюкден кери» фирмаси вилоятда қандлавлаги етиштириш ва шакар ишлаб чиқаришни режалаштирган. «Буиг» корпорацияси эса Самарқандда бир қатор меҳмонхоналар мажмуасини қуриш бўйича музокараларни ниҳоясига етказди. Қисқаси, француз ишбилармонлари билан ҳар соҳада ҳамкорлик самарқандликлар учун самарали бўлмоқда.

... Самарқанд аэропортида Ўзбекистон ва Франция байроқлари майин баҳор шабадасида ҳилпирайди. Самарқанд вилояти ва шаҳри раҳбарлари, жамоатчилик вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари ҳозир бўлишган. Улкан ҳаво кемаси аэропортга оҳиста келиб қўнди. Йиғилганлар Франция Президенти Франсуа Миттеран ва Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ҳамда уларнинг рафиқаларига пешвоз чиқдилар. Самолёт пиллапояси ёнида мўътабар меҳмонларга шарқона удумга кўра нон ва ширинликлар тутилди. Қизлар гуллар тақдим этдилар.

Меҳмонларнинг қадимий обидалар билан танишуви Гўри Амир мақбарасини зиёрат қилишдан бошланди. Шундан сўнг Регистон ёдгорликлар мажмуаси билан танишилди. Бу ерда Франсуа Миттеранга Афросиёб ўтмишини акс эттирувчи тарихий сурат нусхаси совға сифатида топширилди. Бу суратнинг ўзига хос тарихи бор. Эрамизнинг 660 йилида яратилган расмда Самарқанд ҳукмдори саройига турли мамлакатлардан қимматбаҳо совғалар билан келган элчилар тасвирланган.

Франциялик меҳмонларда Тиллақори мадрасаси ва муқовасига кийик териси қопланган, саҳифаларига олтин сувида ишлов берилган улкан Қуръони Шариф билан танишув катта таассурот қолдирди. Регистон майдонида самарқандлик хушовоз хонанда ва раққосалар, бадиий ҳаваскорлик жамоалари ўз маҳоратларини намойиш этдилар.

Франция Президенти Шоҳизинда мақбараси ва Мирзо Улуғбек расадхонасини ҳам қаяжон билан томоша қилди. Мухбирлардан бирининг Сиз Самарқандда ўзингизни «Минг бир кеча» эртаклари оламига келиб қолгандек ҳис этмаяпсизми? деган саволига жавобан Ф. Миттеран: «Йўқ, бу эртак эмас, бу айни ҳақиқат, инсон ақл-заковати билан бунёд этилган чинакам тарих», деб жавоб берди.

Шундай қилиб, Франция Республикаси Президенти Франсуа Миттераннинг мамлакатимизга давлат ташрифи ниҳоясига етди. Иккала томон ҳам ташрифнинг ниҳоятда самарали бўлганини таъкидлашди. Ўзбекистон — Франция ҳамкорлигининг янги уфқлари намоён бўлди. Ҳеч шубҳа йўқки, бу муносабатлар икки халқ манфаатига хизмат қилади.

Франция Республикаси Президенти Франсуа Миттеран Самарқанддан Ашгабатга жўнаб кетди. Уни Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов, Самарқанд вилоят ҳокими П. Абдураҳмонов ва бошқа расмий кишилар кузатиб қолди.

* * *

Шу куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Самарқанддан Тошкентга қайтиб келди.

(ЎзА).



СУРАТДА: музокаралар пайти.

Ф. ҚУРБОНБОЕВ олган сурат. (ЎзА).

СУРАТДА: Франция Президентини кузатиш пайти.



(ЎзА).

МИННАТДОРЧИЛИК ТЕЛЕГРАММАЛАРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Наврўз байрами муносабати билан йўллаган табрик мактубингиз учун чуқур миннатдорчилигимни изҳор этаман.

Шу фурсатдан фойдаланиб, давлатларимиз ўртасидаги мавжуд қардошлик муносабатларининг янада мустаҳкамланишига бўлган ишончимни таъкидлаб, Сиз зоти олийларига саломатлик, бахт-саодат, қардош ўзбек халқига равнақ тилайман.

Сулаймон ДЕМИРЭЛ,
Туркия Жумҳурияти Президенти.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Наврўз байрами муносабати билан йўллаган табрик мактубингиз учун чуқур миннатдорлигимни изҳор этаман. Фурсатдан фойдаланиб, Туркия ҳукумати ва шахсан ўз номимдан Сиз, жаноби олийларига саломатлик, бахт-саодат, қардош ўзбек халқига фаровонлик тилайман.

Тансу ЧИЛЛЕР,
Туркия Жумҳурияти Бош вазири.

НАРАСИМХА РАО ЎЗБЕК ЖУРНАЛИСТЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

25 апрель куни Ҳиндистон Республикаси Бош вазири Нарасимха Рао Қўшилмаслик ҳаракатига аъзо мамлакатларнинг Ҳиндистон оммавий ахборот воситалари институтида таҳсил олган бир гуруҳ журналистларини қабул қилди. Ривожланаётган мамлакатлардан ташриф буюрган мазкур журналистларнинг кўпчилиги ўзбекистонлик эди.

Н. Рао жаноблари ўқишни муваффақиятли тугатган журналистларни табриклар экан, жўғрофий ва сиёсий жиҳатдан ўзгарган дунёда Қўшилмаслик ҳаракатининг тутган ўрни ҳақида тўхталди. Мустақилликка эришган мамлакатлар, жумладан, Ўзбекистоннинг бу ҳаракатга аъзо бўлиши муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлади. Зеро, эндиликда ана шу мамлакатлар ўртасидаги иқтисодий алоқалар тобора кенгаймоқда. Ҳиндистон Бош вазири адолатли жамият қуришга, тинчлик ва халқлар ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлашга журналистлар катта ҳисса қўшиши мумкинлигини айтиб, қалам аҳлининг келгуси ишларида омад тилади.

(ЎзА).

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши X пленуми олдидан

ЭЛИМ ДЕБ, ЮРТИМ ДЕБ ЁНИБ ЯШАШ КЕРАК!

Ислом КАРИМОВ;

БУГУНГИ ҚИЙИНЧИЛИКЛАРНИ ЕНГИШГА ЖОНИНИ ТИККАН, ИРОДАСИ МУСТАҲКАМ ЕШ АВЛОДГА ТАЯНАМИЗ, УЛАРГА ҲАЁТДА ҲАР ТОМОНЛАМА ЙЎЛ ОЧИБ БЕРИШГА ТАЙЁРМИЗ. ШУНДАЙ ОДАМЛАР БИЛАНГИНА МАҚСАДИМИЗГА ЕТАМИЗ.

Чилонзор туманидаги «Олмазор» маҳалла қўмитаси ХДП бошланғич партия ташкилоти билан ҳамкор-ҳамжиҳатликда қатор хайрли тадбирларни амалга оширмоқда.

СУРАТДА: (чапдан) маҳалла бошланғич партия ташкилоти котиби Ўйғун Шорихсиев, ХДП аъзоларидан Анвар Охунжонов, Қаюм Умаров (маҳалла оқсоқоли) Собир Яҳёевлар янги вазифалар хусусида фикр алмашишмоқда.



«ЎЗИДА МАДАНИЯТ ВА ТАРИХИЙ МЕРОСНИ ЖО ҚИЛГАН ЕШ АВЛОД ЎЗБЕКИСТОННИНГ МАЪРИФАТ-МАДАНИЯТ ЧЎҚҚИЛАРИГА ЭРИШИШДА АСОСИЙ ТАЯНЧДИР».

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ ДАСТУРИДАН

ЖОНКУЯРЛАР

Республикамизда тобора чуқурлашиб бораётган ва ўзининг ижобий натижаларини бераётган иқтисодий ислоҳотларни тезроқ амалга оширишда Жиззах шаҳридагина эмас, балки бутун вилоят да анча катта сиёсий куч бўлган Ўзбекистон ХДП шаҳар кенгашимиз шаҳар ҳокимлиги ва кўплаб жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда фаолият кўрсатмоқда.

Қуйида ана шу ҳамкорликнинг Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Жиззах шаҳар қўмитаси билан қандай амалга оширилаётгани ҳақида фикр юритмоқчиман.

Аввало, газетхон эътиборини бир нарсага жалб этайин. Шаҳар ёшлари орасида Жуманазар Ҳасанов, Ғайрат Ўрдушев, Анвар Давронов, Фотима Эгамбердиева, Мухтор Жўрабоев, Убайдулла Муқимовлар кўпчиликка таниш. Уларнинг ҳар бири шаҳардаги бирор ўқув юрти ёки ишлаб чиқариш корхонасида тенгдошларига етакчилик қилишади. Аниқроғи, бошланғич ташкилотларнинг котиблари. Шундай экан, ўқиш ёки ишлаб чиқаришдаги ишларию, ўз ташкилотларидаги ташвишлари ошиб-тошиб ётибди. Бироқ, шунга қарамай, уларни тез-тез шаҳар партия кенгашида учратишингиз мумкин. Қандайдир таклифларни ўртага ташлаётган, бирор тенгдошининг қисмати-ю, муаммоси устида бош қотираётган бўлади. Биз уларнинг бундай «келиб-кетишлари»га одатланиб қолганмиз.

Шаҳар ёшлари мушкулимизни осон, оғиримизни енгил қилмоқдалар. Улар Президент фармонларини, партиямиз Миллий истиқлол мафкурасини оммага етказиш ва тарғибот-ташвиқот қилишдагина эмас, амалга оширишда ҳам ишончли кўмакчиларимиз бўлаётирлар. Ёшлар Иттифоқи шаҳар қўмитаси ёрдамида ташкил этилган «Истиқбол зиёси» клубимиз бу борада ёшларнинг бошини қовуштириб, савобли ишларга сафарбар этмоқда. Бу клубга ёш олимлар, шоирлар, журналистлар, зиёлилар жам бўлишган. Уларнинг омма билан кейинги учрашувларидан бири А. Навоий номли санъат саройида ўтказилди. Ана шу мулоқот шаҳар халқининг республика Президенти И. А. Каримов олиб бораётган ички ва ташқи сиёсатдан мамнунлигини, эл манфаати йўлидаги фармонлари мақбуллигини, Ватанимиздаги тинчлик-осойишталик кишиларни бунёдкор меҳнат сари ҳамиша руҳлантириб туришини яққол кўрсатди.

Яна бир учрашувда эса «Истиқбол зиёси» аъзолари Президентимизнинг 21 январь Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг фермерлар ҳамда тадбиркорлар фаолиятини яхшилашга оид қарорлари моҳияти, республика Олий Мажлисига бўлажак сайловларга ҳозирлик муносабати билан сайлов қоидалари, фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқлари, ноиблик мандатининг масъулият ва шарафлари ҳақида дил суҳбатлари қурилди. Хуллас, ёшларнинг бизга кўмаклари жуда зарур. Бу ҳақда ўйлаб, улардан кўнглим тўлади. Тўлади-ю, ўз-ўзимга савол бераман: биз уларга қандай кўмак бераётирмиз?

Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Жиззах шаҳар қўмитаси атрофига уюшган йигит-қизларнинг асосий кўпчилиги мактаб ва ўрта махсус билим юртлари ўқувчилари эканини ҳисобга олиб, шаҳар ҳокимлиги ва мутасадди ташкилотлар ёрдамида уларнинг шаҳар ичи автоуловларида текин юришларини таъминладик. Шаҳардаги махсус интернат ўқувчиларидан 100 нафарига спорт кийимлари ва кундалик кийим-кечаклар олиб бердик. Олий ва ўрта махсус ўқув юртларининг аълочи-интизомли талабалари учун атоқли давлат арбоби Шароф Рашидов номли стипендия таъсис этдик. Бу стипендия ҳар бир ўқув юртидан бир кишига, амалдаги стипендиялардан 40 фоиз ошиқ миқдорда берилмоқда.

Шаҳар ёшлари орасидаги оилавий таъминоти ночор бўлган 102 нафар йигит-қизга ойма-ой бериладиган ёрдам белгиланди. Наврўз арафасида тўрт нафар ногиронга махсус аравача, ўттиз нафарига катта миқдорда моддий ёрдам бердик. Бундай эзгу ишларни, хайрияларни амалга оширишимизда бизга устки трикотаж буюмлари ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Тожир» ҳиссадорлик жамияти, «Сўғдиёна» ишлаб чиқариш бирлашмаси раҳбарлари ва ХДП бошланғич ташкилотлари катта ёрдам бераётирлар.

Маматқул ИНОМОВ,
Жиззах шаҳар партия кенгаши биринчи котиби.

ТАШКИЛОТЧИЛИКНИНГ ЎЗИ КИФОЯМИ?

Ташаббуслар туғилишидан ёки партиядошлар ташкилотчилигидан бўлса керак, ҳудудий ташкилотимиз тасарруфидаги 13 та бошланғичдаги 153 нафар ХДП аъзосининг кўмаги билан хўжалик ишлаб чиқаришида ягона бошқарув тизими вужудга келган. Натижада ўтган 1993 йилги режалар ҳам, даромад ва буромадлар ҳам кутилганидек бўлди.

Айниқса, пахта, дон, пилла, мева, сабзавот, чорва маҳсулотлари етиштириш ва ишлаб чиқаришда олдинги йилларга нисбатан бирмунча ўсувга эришилди. Буни бевосита кўп сонли ХДП аъзоларининг ташкилотчилиги, тадбиркорлиги маҳсули, дейиш мумкин.

Масалан, Шавкат Рўзиев, Исоқ Ҳалимов, Халил Муҳаммадиев сингари ХДП аъзоси бўлган чўлқувар бригадир, ишбилармон фермерларимиз борки, маъмурчиликка муносиб ҳисса қўшишяпти. Шуни ҳам қайд этиш керакки, ҳар бир партия аъзоси ўзида бошқаларга нисбатан намуна бўлиш, кўпчиликни ортидан эргаштира билиш қобилиятини ҳам шакллантира олмоғи лозим. Масалан, Раҳмон Муқимов, Мустақим Сатторов, Зариф Зоиров, Сойиб Шаропов сингари партия фаолларимиз ҳамиша ёшлар орасида.

Айниқса, Миллий истиқлол мафкурасини тарғиб қилишда, аҳлоқ-одоб, миллий қадриятларни тиклашда уларнинг хизмати кўп.

Улар ёшлар таълим-тарбияси билан бир қаторда жойларда мафкуравий тушунтириш ишларига кенг эътибор беришяпти. Айниқса, ҳозир бозор муносабатлари, туб иқтисодий ислоҳотлар, мулкни хусусийлаштириш даврида улар партия ташкилотимизга камарбаста бўлишмоқда.

Ҳа, ўзгаришлар, ислоҳотлар даври тақозоси бу! Ҳар бир партия аъзоси биргина ташкилотчилик, тадбиркорлик билан чегараланмасдан, муҳим ҳислат — ташаббускорликни, янгиликка ўчликни, ёшларга ғамхўрликни ўзида намоён этмоғи даркор. Ана ўшанда партиямиз нуфузи янада ортади.

У. ШОКИРОВ,
Навоий туманидаги «Хазора» жамоа хўжалиги бошланғич партия ташкилоти котиби.

ТОҒАНИНГ ТАШАББУСИ

Мамазулин ака кўп йиллардан буён ип-газлама фабрикасида ҳалол ишлаб келади. Корхонанинг катта-ю кичиги уни ҳурматлаб «тоға», деб атайди. Тоға раҳбарлик қилаётган 50 кишидан иборат техник-созловчилар бригадаси ўзларига юклатилган вазифани муваффақиятли адо этишяпти.

Тоға яқинда хайрли бир ташаббусни бошлади. У ўз қўл остидаги йигитлар билан суҳбатлашиб, уларга Ўзбекистон Халқ демократик партияси олиб бораётган одилона ва изчил сиёсат тўғрисида гапириб берди. Уларни шу халқчил партия сафига ўтишга даъват қилди. Ўзи эса биринчи бўлиб партия сафига қабул қилишларини сўраб ариза ёзди.

Шундай қилиб, тоғанинг ташаббуси билан 10 нафарга яқин ёш ишчи, бригада ва цехбошиқлари ўз фаолиятларини партия ҳаёти билан чамбарчас боғлашга аҳд қилдилар.

Шу куни фабрика ишчиларидан яна 7 нафари партияга кириш учун ариза берди.

Фарида ҒОЗИЕВА,
Марҳамат туманидаги ип-йигирув ва тўқув фабрикаси бошланғич партия ташкилоти котибининг ўринбосари.

ТАЯНЧ НУҚТАСИ



Туманимиз Ёшлар Иттифоқи ташкилоти ўз атрофига 6914 нафар йигит-қизни бирлаштирган. Уларнинг ташвишлари, орзу-ўйлари, интилишларини ҳис этиш, катта ҳаёт йўлига чиқиб олишда мадад бериш, бир сўз билан айтганда, туман ёшлари билан ҳамдард, ҳамфикр бўлишни ўз фаолиятимизнинг асосий йўналишларидан бири, деб билаётирмиз.

Ёшлар билан ишлаш бир қараганда осондек туюлади. Аслида эса, бу ғоят нозик, оғир ва мураккаб, айни пайтда жуда муҳим ва хайрли ишдир. Арзимаган эътиборсизлик ёки улар истак-хоҳишларини тушуниб етмаслик оқибатида ёшларнинг кўнглини қолдириш, ишончини йўқотиб қўйиш ҳеч гапмас. Ёшлар эса сезгир ва таъсирчан бўладилар. Хуллас, бу иш катта бир маҳоратни талаб этади.

Бундан бир йилча муқаддам туман Ёшлар Иттифоқи билан ХДП туман кенгаши қўшма пленум ўтказиб, ўзаро ҳаракат дастуримизни белгилаб олган эдик. Шундан бери асосий тадбирларни биргаликда амалга оширамиз. Ёшлар Иттифоқининг жойлардаги мавжуд 74 та бошланғич ташкилоти фаолиятидан хабардор бўлиб турамиз. Уларга керакли ёрдамни берамиз. Туман Ёшлар Иттифоқининг 21 нафар қўмита аъзоси эса бизнинг энг яқин ёрдамчиларимиз ҳисобланади.

Уларга ўз қароргоҳимиздан жой берганмиз. Бунинг учун ижара ҳақи олмаймиз. Зарур тадбирлар ўтказадиган бўлганларида транспортдан, бошқа ҳаражатлардан баҳоли қудрат ёрдам бермоқдамиз.

«Бешбулоқ» жамоа хўжалигида партия ташкилоти билан ёшлар ўртасида олиб борилаётган ҳамкорлик эътиборга лойиқдир. Хўжалик партия ташкилотига Пардабой Исоқулов раҳбарлик қилади. У тумандаги тажрибали партия ташкилоти етакчиларидан бири. Хўжаликда Ёшлар Иттифоқининг 120 нафар аъзоси бор. Ўтган йили бу ерда жами 21 киши ХДП сафига аъзо бўлиб кирган бўлса, шуларнинг эллик фоизини ёшлар ташкил этади.

Жумладан, яқинда хўжаликда ёшлар ташкилоти жамоа оқсоқоллари, ХДП аъзолари билан қўшма йиғилиш ўтказди. Унда жиноятчиликка қарши кураш, хўжалик ёшларининг маънавий қиёфаси тўғрисидаги масала муҳокама қилинди. Бундай масаланинг кенг жамоатчилик эътиборига олиб чиқилишининг сабаблари бор эди, албатта. Чунки сўнгги пайтда қишлоқдаги айрим ёшлар майда ўғирликлар, ичкиликбозлик, безорилик ва бошқа ножўя хатти-ҳаракатлар қилаётганликлари кўзга ташлана бошлаганди. Шу иллатларнинг тезда олдини олишда ёшлар ташкилоти билан партия ташкилоти ташаббус кўрсатиб, оқсоқоллар ва қишлоқларнинг фаоллари билан ҳамкорликда бу масалани кенг жамоатчилик ўртасида муҳокама қилдилар. Ана шу тадбир яхши самара берди. Жамоа ҳудудида эндигина пайдо бўлиб келаётган ва ҳаётимизга ёт бўлган иллатларнинг пайи қирқилди. Нотўғри йўлга кира бошлаган баъзи ёшлар вақтида эс-ҳушларини йиғиб олдилар.

Ҳозирги давримизни фермерчилик ҳаракатлари даври, деб ҳам айтиш мумкин. Бозор иқтисодиёти шарофати туфайли барча жойларда бўлаётгани каби туманимиз қишлоқларида ҳам бу ҳаракат тобора кенг қулоч ёзиб бормоқда. Ҳозир бутун вилоятга донг таратган фермер Убайдулло Саримсоқов бу ҳаракатга биринчилардан бўлиб қўшилган эди. Эндиликда ном чиқарган фермерларимиз анчагина. Ёшлар бу ҳаракатда фаол қатнашмоқдалар.

Ҳозир туманимизда 68 та фермер хўжалиги иш олиб бормоқда. Улар қарамоғидаги қорамоллар сони 1382 бошдан ошиб кетди. Чорвачилик билан бир қаторда фермерлар ўртасида бошқа соҳаларга бўлган қизиқиш ҳам кучайиб бормоқда. Жумладан, «Бешбулоқ» жамоа хўжалигида Ёшлар Иттифоқи бошланғич ташкилоти котиби, ёш фермер Ўктам Холқўзиев мўйначиликни ривожлантириш юзасидан иш олиб бормоқда. Кичик корхона очиб, унда тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш йўлида ҳаракат қилмоқда. Сўнгги икки-уч ойда туманимизда 37 киши фермерлик ҳаракатига қўшилиш истагини билдириб, ариза берди. Уларнинг асосий қисмини ёшлар ташкил этади. ХДП туман кенгаши эса уларга фаол ёрдам бермоқда. Катта ҳаёт йўлига отланаётган ёшларга мадад бериш, уларни қўллаш чиндан ҳам хайрли ва савобли, айни пайтда ижтимоий-сиёсий аҳамиятга молик ишдир.

Зариф БОБОЕВ,
Гулистон тумани партия кенгашининг биринчи котиби.

Партия котиби бўлиб ишлаётганимга ҳали бир йил ҳам бўлгани йўқ. Лекин бир нарсани англадим: партиявий ишни асосан партиявий бадал ундириш деб тушунган котиб бора-бора бадал йиғиштиришни ҳам эплай олмай қолар экан. Тўғриси, аввалига шу қайфиятга берилдим. Котиблик биздан ҳам ўтар. Яхшиси, ўзимнинг ишимни (мен хўжаликда ишчи-ходимлар бўлими бошлиғиман) эплаб юрсам бўлгани, деб ўйладим. Қарасам, иш столимдан қўзғалмай қолляпман. Ҳатто биров, ҳой, Йўлдошев, бормисан, деб суриштириб келмайдигандай.

Туман кенгаши билан маслаҳатлашдим. Қандай режаларни кўзлаш керак, қандай тадбирларга қўл уриш керак, обдон келишиб олманфаати устивор турган жойда ҳеч қайси топшириқ, ҳеч қайси вазифа ёки тортишув малол келмайди. Айниқса, бу партиявий доирада самимий чиқар экан.

Ишларимиз жонланганидан сўнг «Мени партия сафига қабул қилинг» деб ёзилган аризалар кўпайиб қолгани ҳаммасидан ҳам кўнгиллидир. Масалан, Чори Алманов деган йигитдан, нега партияга ўтяпсан деб сўрадим. «Олдинги сафларда бўлгим келади», деб жавоб берди. «Компартия даврида ҳам жавоб шунақа бўларди» деган мазмунда кулдим. Бундан у шошиб қолмади. Чайналиб ўтирмади. «Партия одамни худбинликдан, бепарволикдан асрайди», деди. Мана, сизга жавобнинг, танланган йўлнинг аниқлиги.

СЕМИНАР ЎҚУВ

Косонсой туман партия кенгашида ҳудудий партия ташкилотлари котибларининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сайловига тайёргарлик бўйича семинар-ўқуви бўлиб ўтди. У туман матлубот, савдо, ҳиссадорлик жамияти бошланғич партия ташкилоти «Маърифат» марказининг иш фаолиятини ўрганишдан бошланди. Котиб М. Ҳасанов бошланғич партия ташкилотининг ҳамда «Маърифат» маркази фаолиятида қўлга киритилган ютуқлар ва қилиниши лозим бўлган ишлар билан йиғилганларни таништирди. Шундан сўнг барча бошланғич партия ташкилотининг котиблари «Тергачи» ҳудудий партия ташкилотининг иш фаолияти билан ҳам яқиндан танишишди.

«Тергачи» фуқаролар йиғинининг оқсоқоли Ё. Отамирзаев, ХДП туман кенгаши иккинчи котиби Қ. Носировлар қишлоқ фуқаролар йиғинларни ва бошланғич партия ташкилотларида «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловлар»га тайёргарликнинг бориши ҳамда партия ташкилотларининг навбатдаги вазифалари тўғрисида» маъруза қилдилар.

Мулоқот сўнггида ХДП Кенгашининг биринчи котиби И. Исроилов бошланғич партия ташкилотларида 1994 йил биринчи чорагида амалга оширилган ишлар устида тўхталиб, уч ой мобайнида бошланғич партия ташкилотлари сони бештага кўпайганлиги, шунингдек, ишчи, деҳқон, зиёли ва ёшлар ҳисобига партия аъзолари сони 325 нафарга ўсганлигини таъкидлади.

Р. ИРИСОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ИШОНЧ

Ўзбекистон ХДП Юнусобод туман кенгаши Ёшлар Иттифоқи, унинг иши ва ташаббусларини қўллаб-қувватлаб келмоқда. Шаҳарда биринчи бўлиб Юнусобод туман кенгаши ташаббуси билан етакчилар билан учрашув ўтказилиб, қилинадиган ишлар, муаммоларни ечиш йўл-йўриқлари аниқлаб олинганди. Бу кейинчалик ўзининг ижобий самарасини кўрсатди.

Туман кенгашининг биринчи котиби Маъруф Усмонов ёшлар иттифоқи, иккинчи котиби Нафиса Ибрагимова эса бошланғич ёшлар ташкилотида тажрибасини оширган. Шунингдек, туман ҳокими ва унинг биринчи ўринбосари ҳам ёшлар етакчилари бўлиб фаолият кўрсатган.

Яқинда Юнусобод туманида уч авлод зобитларининг учрашуви бўлиб ўтди. Унда фахрийлар, хизматдаги зобитлар, ҳарбий билим юрти курсантлари ва хизматга чақирув ёшига етган йигитлар иштирок этишди. Бу тадбирни ўтказишда туман партия кенгаши Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи туман қўмитаси билан ҳамкорликда ишладилар. Учрашув ўз олдига қўйган мақсадларга эришди, албатта.

Бугунга келиб, бутун жамият, Ёшлар Иттифоқининг ўзи ҳам ёшлар тарбияси масаласига бефарқ қараш мумкин эмаслигини тушуниб етдилар. Қолаверса, юртбошимиз Ислом Каримовнинг ёшларга кўрсатаётган эътибори ва ғамхўрликлари таҳсинга лойиқдир.

Юнусобод туман кенгаши томонидан ўтказиладиган «котиблар соатларида» Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи туман қўмитаси биринчи котиби Алишер Аҳмедов ёшлар олдидаги муаммолар, ютуқлар хусусидаги фикр-мулоҳазалари билан қатнашади.

Ёшлар ташкилоти кераклигини, партия сафлари унинг ҳисобига аста-секин ўсишини туман кенгашидаги фаоллар яхши тушунадилар. Партия ташкилоти таркибидаги 30 ёшгача бўлган аъзолар 25 фоизни ташкил этади. 1993 йил якуни ҳисобига кўра тумандаги ҳар уч партия аъзосидан бири шу ёшгача бўлганлардандир. Шу йилнинг биринчи чорагидаёқ ХДП сафига ёшлардан 44 нафари ўтди. Бунда Ёшлар Иттифоқи туман қўмитасининг ҳам хизматлари каттадир.

Туманда ёшлар ташкилоти билан ҳамкорликда ёшлар тарбиясига, балоғатга етмаганлар орасида жиноятчиликни камайтириш ва ислоҳотлар жараёнини амалга оширишда ёшлар ташаббусларини қўллаб-қувватлашга бағишланган қўшма Пленум ўтказиш режалаштирилмоқда. Демак, партия ва ёшлар ташкилоти ҳамкорлиги шу вақтгача бўлган, бундан кейин ҳам у изчил давом этади.

Эркин ЭСИРГАДИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ТАЪСИРЧАН МАРРАДА ТУРИБ

дик. Шу орада хўжалик маъмурияти, агар одамларнинг ғамини ейдиган ташкилот бўлсангиз, «Баҳористон» маҳалласини ичимлик сув билан таъминлашга кўмаклашинг, деб қолди. Бу юмушни тўла ўз зиммамизга оламиз, дедим. Лекин гап бошқа-ю, иш бошқа экан. Лойиҳалаштир, қувур топ. Ташиб олишни ташкил қил. Иш ухлаганингда тушларингга кириб чиқади.

Асли биздек ёш котибларга шундай бўлгани дурустда. Қурилиш ташкилоти, шартномани имзолади. Энди «Оқкар» қишлоғига ҳам сув қувури тортишни мўлжаллаймиз. Яқинда ўтган бюро йиғилишимизда бўлса қишлоқларни ободонлаштириш масаласини кўриб чиқдик. Бу гал энди биз хўжалик маъмуриятига, бошқа жамоат ташкилотлари зиммасига вазифаларни тайинладик. «Вазифа тайинлаш» деган иборани, илгаритдагидай, партиявий топшириқ, деб тушунмаслик керак, дейман. Аҳиллик билан ишлаш керак — мақсад шу. Кўпнинг манфаати устивор турган жойда ҳеч қайси топшириқ, ҳеч қайси вазифа ёки тортишув малол келмайди. Айниқса, бу партиявий доирада самимий чиқар экан.

Ишларимиз жонланганидан сўнг «Мени партия сафига қабул қилинг» деб ёзилган аризалар кўпайиб қолгани ҳаммасидан ҳам кўнгиллидир. Масалан, Чори Алманов деган йигитдан, нега партияга ўтяпсан деб сўрадим. «Олдинги сафларда бўлгим келади», деб жавоб берди. «Компартия даврида ҳам жавоб шунақа бўларди» деган мазмунда кулдим. Бундан у шошиб қолмади. Чайналиб ўтирмади. «Партия одамни худбинликдан, бепарволикдан асрайди», деди. Мана, сизга жавобнинг, танланган йўлнинг аниқлиги.

Шу суҳбатдан сўнг Хўжамқулов Чори ака билан гурунглашиб қолдик. У киши хўжалигимизнинг тажрибали фаолларидан. Мен билган партия ташкилотлари ҳар қалай ёмон ишламаяпти. Лекин, айрим раҳбарлар партия ташкилотларининг яхши таклифларини, ташаббусларини етарлича қўллаб-қувватламаяпти, деди. Бу гап, табиийки, шунчаки гурунг учун айтилмаганди. Бу гап партия котибига бир сабоқ эди. Жойларда биз ўзимиз бошлаган ишларнинг амалга ошувига қаттиқроқ турадиган бўлдик.

Мана, «Энг яхши маҳалла», «Энг яхши хонадон», деган кўрикларни ўтказяпмиз. Қишлоқларда халқ ҳунармандчилиги устахоналарини очмоқчимиз. Хуллас, элимизни обод қилиш, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш учун таъсирчан марраларда туриб меҳнат қиламиз.

Эшнўлат ИЎЛДОШЕВ,
Қумқўрғон туманидаги «Беш қаҳрамон» давлат хўжалиги партия ташкилотининг котиби.

МУСТАҲКАМ ЗАМИН

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Низомида «Партия органлари ва бошланғич партия ташкилотлари ёшлар билан иш олиб боришда, ёшларга оид сиёсатни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда ёшлар ташкилотлари билан баҳамжиҳат иш олиб борадилар, демократик йўналишдаги ёшлар ташкилотларига кўмаклашадилар» деб белгилаб қўйилганлиги бежиз эмас. Чунки собиқ Иттифоқнинг, коммунистик ғоянинг парокандага учраши, Ёшлар Иттифоқи фаолиятига ҳам ўз таъсирини ўтказди. Ўтиш даврининг қийинчиликларини Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи ҳам ўз бошидан кечирмоқда. Мана шу қийинчиликларни кўра-била туриб уларга ёрдам бермаслик биз учун катта хато бўлиши мумкин.

Туманимизда ўтказилаётган барча ижтимоий-сиёсий ишларга ёшлар ташкилоти фаоллари иштирок этишига интиламиз. Туман партия кенгаши иш режасида ҳам ҳокимият органлари ҳамда бошқа жамоат ташкилотлари билан бир қаторда Ёшлар Иттифоқи туман қўмитаси билан доимий ҳамкорлик қилиш масаласига алоҳида эътибор берилган.

Туманимиз ёшларининг янги сайланган етакчиси Абдусаттор Солиевни туман партия кенгаши ижроия бюросига аъзо этиб сайлаш, кейинги туман партия кенгашининг қўшма пленумини ўтказиш белгилаб қўйилган. Бу келажакда баҳамжиҳат иш олиб бориш учун мустаҳкам замин яратади.

Кейинги пайтда партияга қабул қилинаётганлар орасида ёшларнинг сони сезиларли даражада ошиб бораётганлигидан фахрланамиз.

Ўтган йили 216 киши партияга қабул қилинган бўлса, шулардан 161 таси 30 ёшгача бўлган ёшлардир. Шу йилнинг 4 ойи давомида ҳам 50 дан ортиқ ёшлар ЎзХДП аъзоси бўлдилар. Улар орасида маориф, маданият, соғлиқни сақлаш ходимлари, талабалар, тадбиркорлар, ишчи ва деҳқонлар бор. Қилинаётган ишлардан ҳали ўзимиз қониқаётганимизча йўқ. Чунки тўла фойдаланилмаётган имкониятларимиз жуда кўп.

Ҳозир туман бошланғич партия ташкилотлари ва турар-жойларда «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловлар тўғрисида»ги Қонунни муҳокама қилиш юзасидан ягона сиёсий кун ўтказмоқчимиз. Унда иложи борича кўпроқ ёшларни қамраб олиш, уларга бўлажак сайловларда ўзларининг ҳуқуқларидан тўла фойдаланишга имкон яратиб беришга интилмоқдамиз. Бундан ташқари, туман кенгаши ижроия бюросида кадрлар заҳирасини ишлаб чиқиб тасдиқлаб олдик. Рўйхатга тумандаги турли поғонадаги раҳбарлик лавозимларига ёшларимиз орасидан етишиб чиқаётган етук мутахассислар киритилди.

Умуман, «Ёшлар — бизнинг келажагимиз» деган гаплар қарор ва қоғозларда қолиб кетишига йўл қўймаслигимиз, аксинча бу шиорни амалда қўллашимиз лозим. Чунки ёшлар тўғрисида чинакам ғамхўрлик қилмаган мамлакатнинг келажаги порлоқ бўла олмайди.

Тўлқин ФАИЗИЕВ,
ЎзХДП Зангнота туман кенгашининг биринчи котиби.

Инсоннинг яхши кунида ҳам, ёмон кунида ҳам ёнида бўлиш, қўлдан келганча ёрдам бериш халқимизга хос эзгу фазилатдир. Қимгаки яхшилик қилган бўлсак, эвазига ҳеч қачон таъма кутган эмасмиз, аксинча, ҳимматимиздан ҳамиша завқу қаноат туйганмиз. Буни биров билиб, биров билмайди. Билганлар яхшиликка яхшилик билан жавоб беради, билмаганлар кўрнамаклик қилади.

Таниқли бошқирд адиби Анатолий Генатулин ўзбек халқининг нон-тузини еб, уннинг инсонга муҳаббатидан, ўзи каби содда фалсафасидан баҳра олиб, ҳаётда ўз ўрнини топганлардан бири. Бир кун туз тотган ерингга қирқ кун салом бер, деган доно ўгитни унутмаган ёзувчи биз — ўзбеклар ҳақида гўзал бир ҳикоя ёзиб, Москвада нашр қилинадиган нуфузли «Знамя» журналида чоп эттирган эди.

Қуйида шу ҳикояни эътиборингизга ҳавола қиламиз.

Анатолий ГЕНАТУЛИН

Ўзбек

(ҳикоя)

Уруш бошланиб, умид этганимиздек, бошимизни кўкка етказадиган жадал ғалаба билан ниҳоя топмаётган, аксинча, баттар ловуллаб, даҳшатли тусга кирган ўзининг қонли жанггоҳларига қишлоқнинг меҳнаткаш азаматларини тортиб, бор нонни урвоғигача қолдирмай сидириб кетган, одамлар турмушида жонсараклик ва ғам-андуҳ ҳукм сурган кунлар эди. Қишлоққа очлик ўрмалаб келарди, тупроқдай қоп-қора, нимакинг чиқиндисидан ёпилган, ёлғиз худога аён, ғози йўқ нон асосий емишга айланган. Сут ва картошка жонимизга аро кирарди. Баҳор бўй таратиши билан ўзимизни ўтлоққа, далага, ўрмонга уриб, ёввойи пиёз, аччиқмия сингари аллақандай егулик-илдизу кўкатлар терардик. Аммо ҳеч ким яна бир-икки йилдан сўнг рамақижон молларни сўйиб ва уруғлик картошкани ҳам еб битириб, очликдан шиша бошлашини кўз олдига келтирмаган эди.

Мен, ўн беш ёшли ўсмир. «Тошкент — нон шаҳри» деган китобни ўқиб чиқиб, англадимки, Тошкент дегани жаннатнинг нақ ўзгинаси экан. Ва ҳалиги Мишка Додонов каби Ўрта Осиёга жўнашга жазм этдим. Қўйнимга нон тиқиб, момомнинг кетагидан иккита тухум олиб, қишлоқдан чиқдим-да, тасаввуримдаги олмазорлар ва хурмозорлар ўртасида оппоқ уйлари ярқираб турган ҳароратли ва нон шаҳри бўлмиш Тошкент томон оёқяланг йўл олдим.

Мен мусофирчиликдан чўчимасдим. Болаларча соддахаёллик билан олис йўл саргардонликларию бегоналар орасида дарбедарлик азобини тасаввур эта олмасдим, аммо ўзимнинг етимлик бебошлигим ва такасалтанглигим боисидан ҳеч нарса йўқотмайман, деб ҳисоблардим — қишлоқда на онамни, на отамни, на мол-дунё қолдираётган эдим. Устига-устак, мени суймайдиган момонинг қулоқсиз, дангаса ва мияси бироз айниган китоб жиннисига қайғуриши ҳам кўпга чўзилмасди.

Йўл мени қишлоқдан етти чақирим неридаги марганец конига олиб келди. Кондан Магнитогорск шаҳрига марганец руда си ташишарди. Иккита тухумни камгап шофёрга йўлкирага тўлаб, кечқурун юк машинаси кабинасига кириб олдим ва каллаи саҳарда Магнитогорск шаҳри вокзалида тушиб қолдим.

Нонимни ўша куниёқ пеккос туширгандим. Шубҳасиз, ёнимда бир тийинним ҳам йўқ эди. Озғин, қилтириқ танамда очлик хуруж қиларди. Вокзал тўғрасида сандираклай-сандираклай шу яқин атрофдаги томорқаларга кўз югуртирдим. Марзаси ўрилган жўяклар орасида ихчамроқ ғарам қорайиб турарди. Бундан тузукроқ қўноқ топиш аммаҳоллигини билиб пичан орасидан уя ўйдим-да, жойлашиб олдим. Хушбўй қарорати билан вужудимни илитадиган бу ғарам даштдаги совуқ тунда мен учун қишлоқдай қадрдон макон бўлиб қолди. Ой сўзсиз — забонсиз осмонга кўтарилар, олисда эса шаҳар нафас олар эди.

Эрталаб, Тошкентга қайси поезд кетишини тезроқ билиш, бир амаллаб вагонга илашиб олишим керак, деган хаёл билан ўрнимдан турдим.

Очлик мени ҳар қандай ҳидга сезгир ва зийрак қилиб юборган эди. Ё буфет, ё ресторанинг очиқ айвонидан келаётган иштаҳани қўзғовчи таом ҳиди жигар-баграимни тилка-пора қиларди. У ерда, айлана столлар атрофида шаҳарча кийинган одамлар номи менга номаълум овқатларни тановул этишарди. Мен четроқда туриб сурув ортидан тушган оч бўридек уларнинг косаси ва бир тўғрам қора нонидан кўз узмасдим. Сездимки, айримлар овқатни охиригача ейишмас, косаларида икки—уч қошиқ шўрваю яна аллақандай таом ва нон қолдиқлари қолдирарди. Айвонни вокзал олдидаги майдондан пастаккина ёғоч девор тўсиб турарди, чўнтагида ҳеч ким йўқ мендай оч жулдурвоқининг ундан ошиб ўтишидан маъно йўқ эди. Лекин косаларда овқат қолиб кетар, официант хотин эса уларни устма-уст кийдириб, овқат қолдиқлари билан қаёққадир олиб кетарди. Мен девордан ошиб ўтдим ва иккита косадаги шўрвани бир-бирига ағдариб, ютоққанча сипқордим, нон қолдиғини чўнтагимга уриб, думимни ҳода қилдим. Ҳеч ким сезмагандай ёки эътибор бермагандай туюлди. Ичимга бир—икки луқма кирган сари бадтар овқат егим келарди. Ва яна бирортаси бирон нарса қолдирармикин, деб аланглай бошладим. Шу пайт олдимга аллақандай йигитча яқинлашди. Оқимтир, катта-катта кўзлари ранглар-мовий, киприклари бузоқникидек оппоқ. Пак-пакана, мажолсиз — ўзини эплаёлмайдиган, аммо мандан ёши каттароқ кўринади. Ориқлигидан юз суяклари бўртиб чиққан. Юзига сепкил тошган. Лаблари йўғон-йўғон бўлиб ёрилган. Бурни шилинган — бир қарашдаёқ хунуклиги кўзга ташланади. Мен ҳушёр тортдим, аммо унинг афт-ангорида на гидир, на таҳдид, на совуқлик кўрдим.

— Очиқда яшайсанми? — деб сўради у хирилдоқ овозда, тамакидан сарғайиб кетган тишларини кўрсатиб.

Ҳа, — деб жавоб бердим ва биринчи бор эшитаётганим «очиқ» сўзининг маъносини фаҳм этдим. Русчани чала-чулпа тушунардим. Амал-тақал қилиб, қишлоқчасига айтганда «янтоққа судраб» гапира олардим.

— Қишлоқдан келганман.

— Э-ҳа, колхоз малайимисан. Хўш ўғирлик қўлингдан келадими?

— Йўқ.

— Ўғирликни эпламасанг, очиқда қандай яшаяпсан? Ҳойнаҳой, майдакаш бўлсанг керак.

Гарчи бу сўзни ҳам биринчи марта эшитаётган бўлсам-да, маъносини тушунгандек бўлдим.

— Овқат ейсанми? — деб сўради у. — Кетдик, кўрқма, мени бу ерда ҳамма билади.

Биз айвонга чиқиб, бўш столлардан бирига ўтирдик. Ҳалиги йигитча Маша хола деб чақирган официантка шўрва келтириб қўйди, ичиб бўлгач, нотаниш валинеъматим чўнтагидан чарм ҳамёнини олиб, официант хотинга ўнталик чиқариб узатди.

— Қорнини қаппайтирдик, кетдик энди майдонга, — деди у.— Отинг нима?

— Талгат.

— Меники Вася. Мей сени Толик деб чақираман.

Майдон дегани бизнингча, қишлоғимизча — бу сабантўй ёки, тўғриғи сабантўй ўтадиган жойни англатади. Мен ундан қайси майдон, қаёққа олиб боришини сўрадим.

— Бозорга. Ўғирлик қиламиз, — деди у. — мени ёпиб турасан.

Мен шу ёшга қадар ҳеч қачон ҳеч нарса ўғирламаганман, деб айтолмайман. Момонинг катагидан тухум ўғирлаб қишлоқ дўконида қармоққа алмашиб олганман, ёки бодринг деб бировнинг томорқасига кирганман. Аммо бу ерда ўғирлик қилишдан чўчирдим, нима ўғирлашни ҳам, «ёпиб» туриш қандай бўлишини ҳам билмасдим. Бироқ очдан ўлмаслик учун номусга ботиб, ул-бул ўғирлаб юрган кезларимда менга тақдир йўллаган одамнинг этагидан тутмасликка иложим ҳам йўқ эди.

— Ушлаб олишса-чи?

— Ушлаб олишса — қамоқ. Мен бунақанги турмушга кўниколмайман. Яқиндагина чиқиб келдим ўзи, Златоустда ётган эдим. Мен фақат дўппослашдан қўрқаман. Роса қилтирақман, мени ўлдириб қўйишлари мумкин. Сен эса қўрқма. Бирор корҳол бўлса, мен «атанде» деб овоз бераман, сен эса жуфтагингни ростлаб қоласан. Туртиниб-суйкалганинг учун сенга ҳеч нарса дейишмайди. Сен мендан қолма. Оч қолмайсан. Бир ўзим ҳеч нарса қилолмайман. Шабкўрман. Шом тушиши билан ҳеч нарсани кўрмай қоламан.

— Мен Тошкентга кетмоқчиман. Бирга кетайлик.

— Кетамиз. Кузга яқин. Ҳозирча шу ерда яшаб турайлик. Бу ернинг одамлари ғўр, ўғри нелигини билмайди.

Биз трамвай бекатига қараб юрдик. Ҳалига қадар трамвайни кўрмаган эдим. Бекатда одам сероб. Мендан тузукроқ кийинган Вася — қоқсуяк елкасида кенг—мўлгина эски костюм, шимию ботинкасига ямоқ солинмаган — оддий меҳнаткашдан фарқ қилмасди.

— Ана трамвай ҳам келяпти, — деди Вася. — Биз бунда кетмаймиз, чиқишга уннаб ўтирма. — У чўнтагидан ҳамёнини чиқариб, менга бериб қўйди. — Бордию ушлаб олишса, барибир олиб қўйишади, сенда турсин.

Йўқ, мен уни тутиб олишсин деб разилона ниятга борган эмасман, фақат уни ушлаб олишса, ҳамёни менда қолиб кетади, мен эса Тошкентга етиб оламан, деган фикр беихтиёр хаёлимдан ўтган эди.

Узун сариқ вагон — трамвай олдимизга келиб тўхтади, унинг ойналари ортида ташқаридаги ҳаётга лоқайд боқаётган, ранги сўлғин одамлар қотиб қолган эди. Бекатда турган одамлар ўзларини эшикка уришди, ғуж бўлишиб, бир-бирларини туртиб-суртиб, эшик оралиғини гавдалари билан бекитишиб, ўзи шундоқ ҳам тирбанд трамвайга чиқишарди. Вася ўзини ана шу тўдага уриб, тиқилинч ичида айланар, сурилар, аммо уни четга суриб юборишаётгандек орасидан буралиб чиқар ёки тўтиқоқчи бўлгандек одамлар ортига ўтиб оларди, ана шу орада қўлини беихтиёр одамлар орасига тиқиб юборар ва ур-сурда бегоналар суйкалаётганига эътиборсиз бўлиб қолган ғофил кимсалар чўнтагини сездирмай кавларди. Охири, Вася бир амаллаб тўполондан чиқиб олди, оломоннинг трамвайга кирганн кириб, кирмагани эшикларга осилиб олгач, трамвай жойидан жилди. Вася чўнтагидан ранги учиққан чарм ҳамён олди, сигаретдан сарғайиб кетган тишларини кўрсатиб,:

— Белкуракни қандай ишлатишни кўрдингми? — деди.

Пулини олиб, ҳамённи ичидаги қоғозпоғози билан бекатнинг ўзидаёқ отиб юборди.

Кейинги трамвайда биз бозорга кетдик.

Уруш бораётган эса-да, Жанубий Урол бозорлари ҳали шип-шийдам бўлмаган эди. Магнитогорск бозорида шовқин тинмас, одамлар молларни кўздан кечирар, баҳолар, аммо қимматчилик боис оз нарса харид қилишарди. Нонинг нархи ҳам осмонда эди. Нонни тўғрамлаб, гоҳ-гоҳида эса бутунлигича сотишарди. Айниқса, қора бахмалга оқ ипакдан нақш солинган тўрт кунжакли ола дўппи кийган буғдойранг одамлар савдолашиб ўтирмасди — қўлидан юлиб олишарди. Вася, булар ўзбеклар, меҳнат армиясининг аскарлари, деди.

Биз нон харид қилдик. Мен бир литр сут ичиб олдим. Дилимда ҳаёт мавжланди ва билдимки, ўғрилик қилиш қўлдан келса очиқда ҳам яшаш мумкин экан. Вася эса сут ичмади. Фақат бир тўғрам нон еди. Айтишича, сурункали ичбуруғ касали бор экан, шу боис нимаики емасин, буёғидан кириб, нарёғидан чиқиб кетаверар экан. Гоҳ-гоҳида у ҳожатхонага чопиб кетар, мабодо жудаям қистаб қолса, тахта дўконлар ортига ўтиб ўтирар, кучанар, қорни дамлаб кетар, шундай оҳ-воҳ қилардики.... кетидан қизғиш бир нарса чиқиб осилиб қоларди. Кейин Вася бавосил — қамоқдан орттирган дарди ҳақида куйиниб сўзларди.

Кейин яна ўғрилик қилдик. Мен одамларга туртиниб-суйкалардим. Вася ўғратганидек, оломоннинг кўзини шамғалат қилиб турардим. Бирор нарса харид қилмоқчидек ўзимча баҳолардим — ўғриликнинг бу жўн усулини тезда ўзлаштириб олдим. Вася эса бу орада ажбирлик ва сурбетлик билан бегоналарнинг чўнтагини, аёллар сумкачасини кавларди. Унинг озғин, олғир қўллари ўлжа қидирар, менинг эса тиззаларим қалтирар эди. Ўша куни у пўрим кийинган бир одамнинг чўнтагини шиғишга эришди. Вася «фраер» деб атаган бу кимсанинг папросга тўла портсигарини қўлга киритганида бола каби севинди. Чунки тамаки унга ҳар қандай овқатдандa тотли эди.

Очиқдаги ҳаётимнинг яна бир оқшоми тугади. Қорним тўқ, лекин кечаси ётишга қўноқ топиш керак. Мен Васядан қаерда ётиб-туришини сўрадим. Вася тўғри келган жойда, шомни қаерда қаршиласа — ўша ерда тунаб қолаверар экан, чунки қоронгида кўрмас экан, кўпинча бозорда, пештахталар устида ётиб қоларкан.

— Яхшиси вокзалга борайлик, — дедим мен.

— Йўқ, вокзалга фақат овқатлангани бораман. Ётишга йўл бўлсин. Исковучлар тирақайлатиб қувади.

— У ердаги бир томорқада ғарам бор. Ғарам ичига кириб оламиз. Иссиққина.

Шундай қилиб, вокзалга йўл олдик. Бортгунимизча қоронғи тушиб қолди. Вася оппоқ киприкларини нотовонларча пирпиратар, атрофга ҳафсаласизлик билан боқарди. Кундузги абжирлигию бировларнинг мулкига бўлган баднияти сўнган эди: шундоқ ҳам бемажол Вася айни чоғда янаям рўдапо ва касалманд кўринардики, ҳатто ғингшиб гапирарди. Мен унинг қўлидан ушлаб олдим. Ота-онаси бор-йўқлигини суриштирдим. Эрта саҳар, қаровсиз қолиб, болалар уйида тарбияланган, тўрт йил ўтириб чиққан экан.

— Ўғирлик қилгандан кўра ишлаганинг маъқул эмасми? — дедим.

— Қанақасига ишлайман. Ахир силласи қуриган одам бўлсам. Кўриб турибсан, куним ҳам битиб қолган. Очиқда ўлсам армонда кетмасдим.

Яшил иҳотадан ошиб ўтдик. Ғарам тагидан уя қазидим. Биз қуп-қуруқ, саратон тафтида ёқимли мойса бўйини таратадиган беда ичига кириб олдик. Вася яна бироз ғингшиб, ухлаб қолди. Мен бир муддат ўзимнинг айни ҳолатимга ачинган кўйи кўзимни очиб ётдим. Қишлоқдан чиқиб кетганимга икки кун бўлди. Қишлоқ кўчаларида қолган ялангоёқ изларим ҳали ўчмаган аммо аввалги ҳаётимдан анча олислаб кетганга ўхшайман. Тунов кунгина ҳеч нарсадан бехабар эдим, мана, бугун катта бир шаҳарнинг чеккасида, бировнинг томорқасидаги ғарам тагида ҳатто етти ухлаб тушимга-да кирмаган киссавур ва қамалиб чиққан одам билан бирга ётибман. Нопармон нур сочиб, улкан ой чиқди. Шу лаҳза у менга болаликнинг ҳароратли қирғоғидан узилиб, ҳаётнинг совуқ дарёсида олис-олисларга сузиб бораётган қишлоқи болакайнинг ортидан маъюс боқиб турган тақдирнинг зийрак нигоҳбони бўлиб туюлди. Ой, назаримда, мен энди ҳеч қачон қайтмайдиган қишлоғимга, момомнинг уйига термулиб тургандек. Олис-олисларда бораётган уруш мен улғайгунимга қадар барибир тугайди. Аммо мен тез орада, ёшимга икки ёш қўшганимдан сўнг паспорт олишимни, бир йил ўтиб аскарлар safида юришимни, ўн етти ёшимда эса илк бор ҳужумга ўтишимни ҳаёлимга ҳам келтирмас эдим.

Шу тариқа ўғрилар йўқлиги боис халқи оми бўлган Магнитогорск шаҳрида чўнтакесар ўғри Вася билан яшаб қолавердим.

Пулимиз узилмасди, қорним тўқ юрардик. Пул солинган ҳамён менда турарди. Вася ўлжа пулни ҳеч қачон санамасди, мен — қишлоқи айёр йигитча эса, шимимнинг липпасидан лезвие билан қирқиб, ўша жойга ҳар бир ўлжадан бир нечта ўнталикни яшириб қўярдим.

Гарчи, Васяга бор-йўғи ёрдамчи бўлсамда, ўғрилик касбини аста-секин ўзлаштира бордим. Лапашанг ва бўшашган кимсаларни кўрқмасдан, суллоҳлик билан чалғитиш ёки туртиб-суриш менга чўт бўлмай қолди...

Вирмунча вақт ўтиб, Васяга шунчаки ёрдамчи, бошқача айтганда, боқиманда бўлиб қолаётганим ўзимга малол кела бошлади. Мустақил пул топгим келарди, устига устак, Васяни ушлаб олишлари мумкин, ана шунда бир ўзим қоламан. Васядек абжир ва журъатли бўлолмасам, қандай кун кечираман. Оч қолишим, яна ювиндихўрлик қилишим керакми? Боз устига пул тўла ҳамённи шилиб, Васянинг олдида кўриб қўй, аканг қарагай ҳам анойилардан эмас, деб мақтангим келарди.

Алқисса, бир куни оқ нон сотаётган бир деҳқон ёнида одамлар талашиб-тортишиб турганини кўриб қолдим. Деҳқон халтасидан нон чиқарган заҳоти одамлар жонжаҳди билан ўзини урарди. Бир-бирларини туртиб-суртиб, пул узатишар, деҳқон эса шошганидан гаранг бўлиб қолган оломон чуғур-чуғури 'бир даққа бўлсин тинмас эди. Тумонат орасида нонга жон-жаҳди билан ўзини ураётган меҳнат армиясининг аскари бўлмиш ҳалиги ўзбекка ҳам кўзим тушди. Баногоҳ коржомасининг кўкрак чўнтагидан малла терисимон ҳамёни чиқиб турганини кўриб қолдим. Шу ондаёқ, имиллаб ўтирмасдан, ўзимни тўдага урдим. Васядек чапёнбошига тирсагимни қўйиб, тагидан иккинчи қўлимни ўтказиб ҳамённи олай-олай деб қолдим. Мана, зориқиб кутган пул тўла ҳамён, чўнтаги ҳам чуқур эмас экан, деярли ярми чиқиб турибди. Ўзбек нимадир деб мингирлади, юрагим увишиб кетди, иккита бармоғим билан ҳамённини сездирмай суғурдиму этаги чиқиб кетган қўйлагим ичига яшириб, оломондан йироқлашдим.

— Қалай, белкуракни ишлатишим? — дедим Васянинг олдига бориб.

— Яшавор!

Ҳамённи боплаб ўмарганимдан бошим осмонга етган, чунки Васянинг кўнглини топган эдим, Биз савдо расталари ортига ўтдик. Ҳамёнда анчагина пул ва яна аллақандай муҳрли қоғоз бор экан.

— Нон карточкаси, — деди Вася. — Сотамиз.

Шундан кейин биз бозор оралаб, боёқиш ўзбек ҳамённидан айрилган жойга бордик. У ерда оломон оҳ-воҳ қилаётган одамга сукут сақлаб қараб турарди. Яқинроқ бориб, меҳнат армиясининг бояги дўппили аскарини кўрдим. Аламидан бўзлайвериб, юзлари тиришиб кетган, атрофидаги одамларга хўрланган ва умидсиз илтижо билан боқиб, гоҳ қўлларини ёйиб, гоҳ дўпписига яқинлаштириб, менга нотаниш сўзларни бақириб айтардики, фақат «карточка, карточка» деган сўзларни илғардим. Унинг чўққи соқолига оқ оралаган эди, буғдойранг юзи ва офтобда куйган бўйнини ажин босган, йирик-йирик, қора бармоқлари билинар-билинмас титрарди. «Карточка, карточка!» дея бўзларди у

Нарироқ жилганимизда, Вася ўзича:

— Ўзбекнинг уйи куйди, нариги ойга қадар бошқа карточка бермайди, пули соб бўлган, бундан кўра ўлгани афзал, — деб қўйди.

— Ҳамённини қайтариб берайлик, — дедим мен бирдан бўшашиб.

— ...ебсан! — Вася киндигининг пастига ишора қилиб сўкинди.

— Раҳмим келяпти, — дедим мен.

— Белкурагингни бир тиқибоқ раҳминг келиб қолдими, — деди Вася. — Бизларгаям бировнинг раҳми келадими? У сенга раҳмат айтади, деб ўйлайсанми? У сени ўласи қилиб дўппослайди-да, кейин исковучларга элтиб беради.

— Вася, кел энди, ҳамённи қайтара қолайлик, — деб сўзимда туриб олдим.

— Э сени!.. — Вася яна сўкинди, унинг рангпар юзига қон югурди, совуқдан совуқ кўзлари темирдай ялтиллаб кетди — рўпарамда қурбонига шафқат нималигини билмайдиган, ориятсиз киссавур, ўғри турарди. — Йўқол кўзимдан, аблаҳ, жуда меҳрибон экансан, колхозингга қайтиб кетавер, ит—кўппак!

Шундай дедию шартта бурилиб кетди.

Ўзимни ўласи қилиб дўппослангандай сезардим. Юрагимда чидамсиз алам ва соғинч тошганидан бир овлоқ жойга бориб, қадрдон қишлоғим ҳидини эслатадиган майса устига юзтубан ётдиму ҳўнграб юбордим. Аблахлигим боис ёт ўлкаларда бир бурда нонидан ажралиб қолган ўзбекка раҳмим келиб, юзимни ўтга босганча пиқ-пиқ йиғлардим. Ана у кўз олдимда турибди: бошида дўппи, ҳамон кўзёши тўкмоқда, қилча ҳам мадад беролмайдиган бозордаги оломонга илтижо қилмоқда, пули ва нон картокчасини ўғирлаган одамга лаънат ёғдирмоқда. Мен ўзимнинг ҳолимни ўйлаб, бағри тош шаҳарда адашиб-улоқиб юрганлигиму етимлигимга ачиниб йиғлардим. Турмадан қутуриб чиққан, ҳайвоний ҳаётини очиқда ҳам давом эттираётган ашаддий ўғри билан ҳамтовоқ бўлиб, ниҳоят, ўзимнинг ҳам ўғри бўлганимни, энди асло тузалмаслигимни, одамгарчиликдан чиққанлигимни ўйлаб йиғлардим. Тошкентга кетаман, эртагаёқ кетаман, у ерда пешона терим билан нон топиб ейман, деб хаёл қилардим мен. Гоҳо оч қолсам-да, мени вояга етказган, қора нони билан парваришлаган бобо юртимни хотирлаб, қишлоғимга қайтаман, деган ўйга ҳам борар эдим.

Кимдир елкамдан оҳиста турди, қулоғимга Васянинг ғингшиган овози чалинди:

— Бўпти. Шу арзимаган нарса учун... Яхшиси, бориб овқатланайлик.

Унинг қайтиб келишини сабабини билиб турардим, чунки шабкўр бу ўлакса мендан нари кетолмасди, боз устига, у менга бошқача бир тарзда ёндашган эди. Овози ҳам ёқимли, дўстона жаранглари. Меҳрим ийиб кетди. Ҳатто унинг ўзи қайтиб келганидан хурсанд ҳам бўлдим — ахир ўзим ҳам шуни кутган эдим, чунки мен унга боғлиқ эдим, ҳайҳотдай бегона шаҳарда ёлғиз ўзим қолишдан чўчирдим.

Шу-шу, бошқаларнинг ҳамёнига кўз олайтирмайдиган бўлдим. Аммо, табиийки, барибир ўғирлик орқасидан кун кечирардим. Бировнинг бахтсизлиги ва қаҳриши ҳисобига топилган пулга овқатланардик. Бунинг ҳаммасини тушунсам-да, ўз изтиробларим қаърига етишни хоҳламасдим ва ҳатто етимлигим деворлар тагидаги чанг босган қариқизлар орасида ўлиб-нетиб қолмаслигим учун шундай қилаётирман, деб ўзимни юпатардим, мана, Тошкентга етиб олсам, росмана ҳаёт кечираман, дердим ўз-ўзимга. Ўзимни Васянинг қарамоғида деб ўйламасдим. Чунки Вася менсиз ҳеч ваҳо қилолмайди — демак, боқиши шарт! Қачонлардир менинг содда ва соф қишлоқи қалбим атрофимни ўраб турган ҳасрат ва андуҳларга бешафқат ва кар бўлиб қолган эди. Лекин фиғон чекаётган ўзбек кўз олдимдан сира кетмасди.

Ҳаётдаги энг оғир гуноҳлардан бири мана шу — ўзбекнинг олдидаги гуноҳим эканлигини, уни на оғир қисмату азобларим, на манглай териму ҳатто урушда тўкажак қоним билан юволмаслигимни тасаввур этолмасдим.

Августда, яъни Жанубий Урол тунлари қоронғи бўлиб, совиб, муздай ёмғирлар томчилай бошлаган пайт биз иссиқ ўлкаларга, Тошкентга қараб йўл олдик. Гоҳ томда, гоҳ зинасида, гоҳ вагон ичига кириб олиб, то проводник пайқаб қолиб навбатдаги станцияда туширib юбормагунча амал-тақал қилиб келардик. Соль-Илецкка тушиб, бир неча кун бозорда дайдиб юрдик. Бозор катта бўлмаса-да Магнитогорскникига нисбатан бой эди. Илк бор шу ерда тарвуз еб кўрдим. Вася эса эски одатини канда қилмади ва пулни менга бериб қўйди. Мен эса бир нечта ўнталикни липпамдаги жойга тиқиб қўйдим. Васяни тутиб олишди. Уни дўнг пешона, мўйловдор одам ерга ётқизиб, этиги билан роса тепкилади. Рамақижон Вася ҳар зарбдан сўнг учиб тушар, латта қўғирчоқ мисол бозор тупроғини чангитиб думаларди. Мен одамлар орасида титраб-қақшаганча бояги киши; Васяни қай тариқа азоблаётганини кўриб турардим, ҳатто унинг хўрликка тўла, ё мен билан видолашаётган, ё мадад сўраётган нигоҳига тўқнаш ҳам келдим, бироқ қўлимдан ҳеч нарса келмасди. Исковуч келиб қолиб, оёғида базўр турган ва қонга ботган Васяни қаергадир, назаримда қамоққа олиб кетди. Мен уни Соль-Илецкда икки кун кутдим ва охири тоқатим тоқ бўлгач, жануб сари йўл олдим. Васяга ачинардим — ахир, у жудаям қилтириқ, касали ҳам оғир эдики, эҳтимол, ҳақиқатан ҳам паймонаси тўлгандир. Аммо қалбимнинг бир четида жиндай хурсандчилик пинҳон эди — хайрият ундан қутулдим, ахир кўза кунда эмас, кунида синади-да. Айтмоқчи, ҳамма пул менда қолиб кетди. Тошкентгача етади, у ерда эса бир кунимни кўрарман.

Юк поездида йўл юрсам ҳам мўл юрдим, сап-сариқ беҳудуд даштнинг оқиш шўрхокларию сирли кўрғонлари чир айланиб ортга сузиб кетарди: олдимда эса улкан кўл мавжланар, поезд яқинлашиши ҳамоно яна узоқлашар, худди бўғланиб кетгандек ғойиб бўлар эди. Иссиқ қозоқ даштларида ажабтовур сароб ўйнаб юрарди.

Аллақайси қўналғада пассажир поездига ўтиб олдим. Кечаси поезд чироғини ўчириб юрди. Вагонлар бўм-бўш. Ғалати поезд эди. Қаттиқ гулдурак солиб, дашт зулматига ҳамоҳанг равишда, даҳшатли жарликка учиб бораётгандай. Бўм-бўш вагонда, мендан бошқа, назаримда касалманд бир аёл ҳам бор эди. У ёнбошига аллақандай тугунлар, кастрюл ва чўян қозон ҳам олган. Тугунлари устига ёнбошлаган кўйи оҳ-воҳ қиларди. Кампирнинг олдига яқинлашдим ва ойнанинг заифгина нуридан орқа юзига разм солганимда катта-катта, қоп-қора кўзларида мислсиз дард-ситам, соғинч, хўрлик ифодасини кўриб, ўзимни йўқотиб қўйдим ва жойимга қайтдим. Қоронғи вагонларда подасидан айрилган оч санқи итлардек қаровсиз, ваҳшийлашиб кетган болалар изғиб юрарди. Бўйчан, жўзигача шапкасини бостириб олган йигитча гугурт ёқиб, аёлга қаради.

— Аҳа, жуҳуд Тошкентга қочиб кетяпти, — деди у овозини дўриллатиб («жуҳуд» сўзини мен сўкиш деб тушунибман). — Қани, шоқоллар, хоним билан шуғулланинглар-чи.

«Шоқоллар» аёлга ташланишди, қайси бири тагидаги тугунни суғуриб олди, кимдир кастрюлни ағдар-тўнтар қилди. Аёл жазаваси қўзиб қичқириб юборди ва хирқираганча русча ва яҳудийча сўзларни аралаш-қуралаш қилиб қарғаркан, ўзини лаш-лушлари устига ташлади.

— Йўқол, безори, бандит! Битимдан бошқа ҳеч ваҳоим йўқ.

— Болалар ,унга тегманглар, касал-ку, — деб овоз бердим мен.

— Сен ўзи кимсан? Сенам Тошкентга қочяпсанми? — дея бояги бўйдор бола олдимга келди. Мен унинг хунукдан хунук башарасига яқиндан қарадим.

— Мен ўроллик ўғриман, — дедим калламга келган гапни айтиб.

— Ўроллик ўғри?! — Йигит хохолаб юборди. — Шоқоллар, бирор жойда ўроллик ўғрини кўрганмисилар? Мана у. Йўқол, ифлос, ҳозир пешонангдан дарча очиб қўяман!

Мен нари кетдим. Аёлнинг айюҳаносига қарамай, «шоқоллар» лаш-лушларини ҳар ёққа сочиб, бошқа вагонга ўтиб кетишди.

Поезд пишқиргандан пишқирар, ғилдираклар эса «Тошкент, Тошкент», дея тақа-тук қилар эди.

Тошкент ям-яшил ва иссиқ шаҳар бўлиб, уруш кулфатларига дучор бошқа шаҳарлар каби нонга сероб эмас эди. Гарчи шаҳар фронтдан хийла йироқ бўлса-да, ҳар бир қимирлаган жонда талваса, беҳаловатлик, уруш таҳликаси сезилар, олисдаги қонли қирғинга итоат этгандек уруш одамларнинг ажинларига кўкиш соя солган, эҳтиёткор кўзларида қорайиб кўринарди.

Ўнталикларим тобора камайиб борарди. Мен илк бор шу ерда узум, хурмо ва ёнғоқларни кўрдим. Ҳаммасидан тотгим келарди-ю, бироқ киммат эди.

Кейинроқ Олой бозорида мен текширтекширга тушиб қолдим. Биз — бир қанча бозор дайдиларини исковучлар қаергадир олиб кета бошлашди. Қамоққа олиб бориб тиқса керак, деб ўзимни ён томондаги жинкўчага урдим.

Бозор зумрашаларидан эшитишимча, Самарқандда бозор яхши, ўзбеклар содда, исковучлар ҳам кам экан. Юк поездида Самарқандга равона бўлдим. Бироқ, бир неча чақирим юргач, шунчаки, қандай шаҳар эканлигини кўриш учун, устига-устак, егулик топиш илинжида Урсатьевск деган станцияга тушиб қолдим.

Район миқёсидаги бу шаҳарча тақдиримдан алоҳида ўрин олишини, унинг номи биринчи паспортимга ёзилишини, сўнг ҳарбий билетимда «Урсатьевск шаҳар, Кауфман райони ҳарбий комиссариатидан чақирилган», деган ёзув бир умр муҳрланиб қолишини сира тасаввур этмаган эдим. Сокин шаҳарча марказидаги иккитами-учта бир ё икки қаватли ғиштин уйлар, теварагида эса олди олмазор ва узумзор пастак сомонсувоқ уйлар бир-бирига туташиб кетган, атрофини эса бийдай саҳро ўраб олган эди. Кунгай тарафида учи оппоқ қордай сароб тоғлари қад ростлаб турарди, бундоқ қарасанг, қўл узатса етгудек, аммо сира етолмайсан.

Урсатьевск менга ёқиб қолди. Бир муддат шу ерда қолишга аҳд қилдим. Бозорда муқим ўрнашдим. Кундузни одамлар орасида ўтказар, расталар дўконларга тантанавор нигоҳ солиб, нима қилишимни билмаганимдан ҳар хил мева-чеваларни «неча пул, неча пул» деб баҳолардим. Кечаси эса боши берк йўлда бўш турган вагонларда ётиш қулай эди.

Урсатьевскда бор пулимни харжлаб бўлдим. Бир ўзбек аёлидан охирги пулимга оби нон олиб едим, сўнг яна очлик билан юзма-юз қолдим. Қандай қилиб бўлса-да, егулик топишим зарур эди, йўқса девор тагидаги қовжираган ўтлар устида жон таслим этмоқ керак. Бозорда уюм-уюм тарвуз шундоқ ерда ётарди, беҳад кўп, ёнида ҳеч ким йўқ эди. Очликнинг шафқатсиз зарбасиданми ё ақлимни йўқотдимми, билмайман, умримда иккинчи марта ўғирликка жазм этдим. Тарвуз уюмлари ёнидан ўтаётиб биттасини шиппа олдиму ҳеч нарса сезмагандай йўлимда давом этдим. Аввалига ортимдан қадам товушлари эшитилди. Кейин яғринимга кучли зарба келиб тушди. Тарвуз қўлимдан тушиб пақ этиб ёрилди. Юзтубан йиқилдим. Кўзимни очганимда тепамда ғазаб отига минган, кўзлари қоп-қора оловга тўлган қиёфани кўрдим. У мени латта этиги билан яна бир марта тепди. Урнимдан турганимда эса ёқамдан ушлаб бўғиб, сўкасўка етаклаб кетди. Англадимки, милициягa олиб бораяпти! Қўлга тушган эдим, ана энди авахтадан қутулиб бўлмаи. Баногоҳ ўзимнинг бошқирд эканимни эсладим: ўзбек билан диндошман. Эсладиму бошқирдчаю ўзбекча сўзларни аралаш-қуралаш қилиб ёлвора бошладим.

— Ака, мени қўйворинг! Мусулмонман, мусулмонман!

У тўхтади-да, менга ё шубҳа, ё ҳайрат билан разм солди.

— Мусулмон бўлсанг, нега ўғирлик қиласан? — деди у. — Оч бўлсанг, сўрамайсанми? Битта тарвузни берардик-ку. Бор, туёғингни шиқиллат, қайтиб ўғирлик қила кўрма.

У мени қўйиб юборди...

Очлик мени шаҳар четидаги олмазорга ҳайдаб борди. Уч-тўртта олма олиш ўғирлик саналмайди-ку. Сароб қўйнидаги деразасиз сомонли уйларга кўчадан қаралса, худди қотиб қолганга ўхшарди. Дарахтларнинг қаттиқ, ялтироқ барглари қилт этмай деворларга, бўз тупроқли кўчаларга соя солган. Қулоғимга сомонсувоқ уйлардан болаларнинг қий-чуви чалинди, уларнинг биллурдай тиниқ овози менда ғашликка ўхшаш бир ҳис уйғотди. Кўча бўйлаб кетган ариқ мудроқ уйқу аралаш шилдирарди.

Девор ортидаги ҳовлига қарадим. Олмалар териб олинган эди. Охири, бир ҳовлида пишган олмани кўрдим. Омонатгина эшикни очиб, ичкарига кирдим. Ҳеч бир жон

«Ойнаи жаҳон»да кўринг

Телевидение ижодкорларининг меҳнат маҳсули ҳақида биргина мақола билан бу мураккаб ижод жараёнининг сир-асрорларини том маънода очиб бўлмайди. Машҳур Америка ёзувчиси Эрнест Хемингуэй «Уруш ҳақида ёзиш учун лоақал порох ҳидини билиш керак», деганида ҳақ эди. Камина уч-тўрт йил телевиденеда Тошкент шаҳри ва вилояти учун кўрсатувлар таҳририяти бош муҳаррири бўлиб ишлаганимда бунга тўла гувоҳ бўлганман. Мана, орадан йиллар ўтиб, телевиденеда қанчалар ўзгаришлар рўй берганининг шоҳиди бўлиб турибмиз. Маълумки, онгда ўрнашиб қолган одатларни енгиб ўтиш ҳамиша қийин бўлади.

«АССАЛОМ, ЎЗБЕКИСТОН!»

Ўзбекистон телевидениесининг ижодкорлари эса кашф этишаётган ҳар бир янгилиги билан одамлардаги ана шу эски анъана ва одатлардан аста-секин фориғ бўла боришга ёрдам бермоқда. «Зангори кўзгу»да (биз уни шундай деб атадик) айнан бугунги ҳаётимиз аксини шундоққина кўриб, ҳис этиб турамиз.

— Бу ерда иш бошлаганимда тонгги кўрсатувни ташкил этиш ғояси сира тинчлик бермади, — деб ҳикоя қилади Ўзбекистон Давлат телерадио компанияси раиси Шавкат Яҳёев. — Шунда кўпгина чет эл мамлакатлари тажрибаси ҳаёлимга келди. Бизда ҳам шундай кўрсатув тайёрласак бўлади-ку деган фикр чақнади! «Ассалом, Ўзбекистон!» мусиқавий-ахборот кўрсатувимиз шу тариқа юзага келди. Энди ҳамма гап уни миллионларга манзур бўладиган кўрсатувга айлантиришда қолганди.

...Қизиқарли лавҳалар, оила ва болалар учун беш-ўн дақиқали жажжи кўрсатувлар, долзарб янгиликлар, янги талантлар ижодидан намуналар шу тариқа ҳаво тўлқинлари орқали ҳар бир хонадонга кириб бормоқда... Ҳар тонгги кўрсатув бошқаларидан жозибали ва қизиқарли бўлиб бормоқда.

Ҳа, бу кўрсатув янгиликка ўч телетомошабинлар дилига ва дидига жуда мос тушяпти. Фақат сиёсий, иқтисодий соҳадагина эмас, балки маданият, санъат — барча соҳаларда ҳам жаҳон меъёрларига интилишимизни мустақиллигимиз тақозо этяпти. Демак, телевидение бугун хоҳлаймизми — йўқми, ҳар бир хонадон учун ўзига хос мўъжаз театр, ҳам сиёсий-иқтисодий кўзгу, ҳам кинотеатр, ҳам беросита мулоқот, дилкаш ва оромбахш доимий ҳамроҳимиздир!

Янгиликлар билан тўлиб-тошган шиддаткор ҳаётимизнинг жонли акс-садоси — кўзгуси бўлган «Ойнан-жаҳон»да яшаш ҳуқуқини олган «Ассалом, Ўзбекистон!» тонгги дам олиш кўрсатуви барчани тўлқинлатираётган ва қизиқтираётган саволларга қисқа ва лўнда, мазмунли жавоб топишга интилаётгани қувончлидир. Ана шулар ҳақида етук мутахассислар, шу масалаларга дахлдор иқтидорли кишилар билан жонли мулоқотлар уюштирилаётгани, айни пайтда кўрсатувни томошабин қалбига кириб борадиган тарзда мусиқавий ва бадиий безатиш, кундан-кунга унинг жозибасини кучайтиришга тобора катта аҳамият берилаётгани кишини мамнун қилади.

Ўзбекистон Давлат телерадиокомпанияси раҳбариятининг «Ассалом, Ўзбекистон!» тонгги кўрсатувига эътиборини бу борада алоҳида бош таҳририят ташкил этгани ҳам яққол кўрсатиб турибди: у журналист Тўра Раҳимовга ишониб топширилди. Таҳририятда ўз касбининг ўнлаб асил фидойилари ишлаяпти. Биз «зангори кўзгу»да жамоа меҳнатининг фақат натижасинигина кўрамиз. Аслида кичик бир лавҳани телетомошабинларга манзур қилиш учун ҳам кинооператор, ёритувчи, овоз режиссёри, рассом, пульт ходимлари, монтажчи, видеомуҳандислар, режиссёр ва унинг ёрдамчилари, телеоператор ва журналистларнинг қанчалик саъй-ҳаракатлари ва изланишлари зарурлигини яхши тушунамиз. Бундай лавҳалардан эса битта кўрсатувни ўнлаб тайёрлаш даркор. Агар мамлакатимизнинг жанубидаги тоғ ва саҳроларни, шимолидаги поёнсиз далалару денгиз ошиб ўтиш лозимлигини бир тассавур қилиб кўрсак, бу меҳнат машаққатлари миқёсини ҳис этиш мумкин.

Гап бунда ҳам эмас. Заҳматкаш жамоа телетомошабинларнинг биргина: «Отангга балли! Қўлинг дард кўрмасин!» деган сўзларини эшитса, уни тайёрлашдаги чарчоқлар бир зумда тарқаб кетади. Бизнинг фикру хаёлимиздан эса ёш хонанда Достон Убайдуллаев, «Осиё овози» халқаро қўшиқ танлови қатнашчиси Юлдуз Усмонова, Маъмура Қурбонова, жозибали рақс ижрочилари Рўшана Султонова, Олима Ёқубова, «Анор» кўрик-танловининг иштирокчилари Насиба Абдуллаева, Рустам Ғойибов, қизиқчилар Мирза Холмедов, Обид Асомов ва бошқа санъаткорларимизнинг субҳидам туҳфалари таассуроти кетмайди. «Саҳар хабарлари»да эса Қобилбек Каримбековнинг тезкор халқаро шарҳида бир дунё янгиликлар оламиз. Вилоят, шаҳар ва туман ҳокимлари Президентимиз тавсияси билан Франция, Олмония, Голландияга бориб келганликлари бежиз эмаслигини ва буюк Ўзбекистоннинг келажаги барпо этиладиган кун унчалик узоқ эмаслигини вужудимиз билан ҳис этамиз. Мухтасар қилиб айтганда, ҳар тонг ширин уйқудан уйғонган мамлакатимиз фуқаролари «зангори кўзгу» олдида ҳам мароқли дам, бир олам завқу-шавқ, ҳам ҳаётимизнинг турли жабҳаларидаги янгиликларни билиб оладилар.

Ҳамид ИКРОМОВ.

Огаҳий номидаги Хоразм вилоят мусиқали ва комедия театрида маҳаллий драматург Комил Авазов қаламига мансуб «Феруз» асари саҳналаштирилмоқда. Асарни театрнинг бош режиссёри, хизмат кўрсатган санъат арбоби Мадраҳим Бобожонов, рассом, хизмат кўрсатган санъат арбоби Отахон Оллоберганов ҳамкорликда амалга оширмоқда. Рақсларни хизмат кўрсатган артист Зоя Ғаффорова, мусиқани Озод Иброҳимов танлаган.

Хуллас, ҳозир ижодий жамоа асар устида қизғин иш олиб бормоқда. Асарнинг қандай даражада саҳнага олиб чиқлишига ҳозирдан бирор сўз айтиш қийин. Сўнгги сўзни эса одатда томошабин айтади.

СУРАТДА: «Феруз» саҳнада.

А. АБДУРАИМОВ (ЎзА) олган сурат.

«ЁШЛИК» НОМИ БЕРИЛДИ

● ТОШКЕНТ. Сирғали туманидаги маҳаллалар сони яна биттага ортди. 6-мавзедаги янги маҳаллага «Ёшлик» номи берилди. У кўп қаватли уйларда истиқомат қилувчи турли миллат вакилларидан иборат 700 хонадонни бирлаштирган.

«Ёшлик»да маҳалла оқсоқолини сайлашга бағишланган йиғилиш бўлди. Аҳмаджон Ҳайдаров унинг оқсоқоли этиб сайланди. Йиғилишда туман ҳокимининг биринчи муовини Шорасул Шорахмедов йиғилганларни қутлади. Ош тортилиб, дилрабо қўшиқлар янгради.

Ҳолмурод ҚОДИРОВ.

Соат 24.00

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАР ҚИЛАДИ

ТОШКЕНТ. Миробод туманида Россия Федерациясининг Иркутск вилояти Черемехов шаҳрида яшовчи 1973 йилда туғилган фуқаро қўлга тушди. У «Локомотив» меҳмонхонаси ёнидаги «Шерзод» тижорат дўконининг томини тешиб ўғирлик қилаётган экан. Меҳмон 6 миллион сўмлик ҳар хил буюмларни ўғирлаб, жуфтакни ростламоқчи бўлганида қўриқлаш бўлими милиционерлари К. Сеитов ва Б. Сарсенбоевлар томонидан ушланди.

ХОРАЗМ. Ҳазорасп туманида олиб борилган тезкор тадбирлар натижасида Ёқубов номли жамоа хўжалигида яшовчи шахснинг уйидан салкам 6 кило гиёҳванд моддаси, наша топилди.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН. Тахиатош шаҳрида содир бўлган воқеа кишини таажжубга солади. Шу шаҳарда яшовчи 45-50 ёшлар чамасидаги аёл маст бўлиб, жанжал натижасида 34 ёшли Есимованинг қорнига пичоқ санчиб ўлдирган. Аёлнинг ҳам қотилликка қўл урганн нақадар ташвишли ҳол. Аммо қонун жиноятчининг эркагу аёллигидан қатъи назар қилмишига яраша жазолайди.

ЖИЗЗАХ. Темир йўл бекатида Самарқанд шаҳар «Регистон» меҳмонхонаси навбатчисининг ёнидан 1,5 кило наша топилди.

САМАРҚАНД. Беруний кўчасидаги 15-уйнинг ёнидан Оврупо миллатига мансуб 30—35 ёшлар чамасидаги, кўкрагига пичоқ санчилган кишининг жасади топилди. Чора-тадбирлар натижасида жабрланувчининг шахси аниқланди. У Тошкент вилоятининг Ўрта Чирчиқ туманида яшовчи Л. Майоров бўлиб чиқди. Унинг қотилини ҳам топдилар. Қотиллар тўрт бармоқдан йигит бўлиб, марҳумни талончилик қилиб, ўлдиришган экан.

ҚАШҚАДАРЁ. Китоб туманидаги Улуғбек номли жамоа хўжалиги трактор саройи олдида ушбу жамоа хўжалиги ҳисобчиси Н. Нуралиев тўсатдан вафот этган эди. Суд тиббиёт кўригининг хулосасига кўра унинг уриб ўлдирилганлиги маълум бўлди. Ушбу жиноятни жанжал натижасида содир этган этикдўз Б. С. ушланди. Терғов олиб борилмоқда.

Жиноятларнинг олдини олиш мақсадида ўтказилган чора-тадбирлар натижасида дайдилик қилган 21 шахс, жамоат жойларида маст ҳолатда юрган 304 киши, ичиб рулга ўтирган 75 ҳайдовчи ушланди. Йўл ҳаракати қоидаларини қўпол равишда бузганлиги учун 4302 ҳайдовчига қайднома тўлдирилди.

Кўрилган чора-тадбирлар натижасида аввал қайд қилинган жиноятлардан 17 таси очилди. Илгари содир қилган жиноятлари учун жазодан қочиб юрган 30 жиноятчи ушланди.

Шуҳрат РЎЗИЕВ.
милиция лейтенанти

● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ

Футболимиз довруғи йўлида

Ўтган йили Наврўз тантаналари авжига чиққан дамларда минглаб футбол ошуфталарини хушнуд этувчи қарор эълон қилинганди. Вазирлар Маҳкамасининг бу қарори «Ўзбекистон Республикасида футболни янада ривожлантириш тадбирлари тўғрисида» деб номланганди. Мана, яна кўклам. Бу фасл яна бир футбол мавсумини бошлаб берди.

СТАДИОНДА УЧРАШИШГА НИМА ЕТСИН?!

Мен бу қарорни футбол ривожида тарихий қарор деб айтишдан ийманмайман. Бу спорт турини яхши тушунганлар гапларимга қўшилар. Сабаб?! Мустақиллик барча соҳа қатори спортчига ҳам, футболга ҳам таалуқлидир. Лекин ҳеч бир соҳа футболчалик собиқ Иттифоқ занжирига боғланмагандек туюлади. СССР футбол чемпионатининг ўйинлари барҳам топди. Ҳар бир давлат футболи ўзича иш кўришга мажбур бўлди. Тўғри, ишқибозлар ҳозир ҳам ўша давр ўйинларини қўмсашади. Ахир ўйингоҳлар тирбанд. Ошиқча чипта қидирган қанча. Тўғриси, футболга «қўлдан» чипта олиб киришнинг ҳам гашти бор...

Мустақил чемпионатлар эса бутун собиқ Иттифоқда бўм-бўш ўйингоҳларда ўта бошлади. Ўйинчиларда ўз маҳорати устида ишлаш, талабчанлик, иштиёқ сўна бошлади. Бундай шароитда учрашувлар номигагина, устига-устак уриш — жанжал билан «карточка-бозлик» билан ўтади. Ҳакамлар ҳам «об-ҳаво»га қараб иш кўради. Хоҳлаган пайтда ўйин кунлари ўзгартирилади... Хуллас, футболга эътибор сусайганди...

Ана шундай пайтда мазкур ҳужжатнинг Президентимиз имзоси билан чиқиши қарорнинг тарихийлигини белгилаб берди. Бу таъбир жоиз бўлса, футболимиз мустақиллигининг чин белгиси эди.

Футболга муносабат шундан кейин тубдан ўзгарди. Футбол жамоаларига эътибор кучайди, уларнинг шароити сезиларли даражада яхшиланди. Кўплаб янги ўйингоҳлар қурилди, эскилари таъмирланди. Футбол мактаблари, секциялари ишлари жонланди.

Мустақил Ўзбекистон футболи олий давраси жамоаларининг ўйинларига ҳам сон кирди. Улар қизиқарли, кескин спорт кураши остида ўтадиган бўлди. Ўйинлар тартибли кечди. Томошабинлар анча кўпайди. Ҳакамлар ҳам мусобақаларни тартибли бошқара бошлади. Кўп йилдан бери сурилиб келаётган «Пахтакор» ўйингоҳидаги таъмирлаш ишлари ниҳоясига етди. Қибрайдаги спорт базаси халқаро талаблар даражасига бемалол жавоб берадиган қиёфага кирди.

Ўзбекистон футбол уюшмаси аввал Осиё футбол конфедерациясига, кейин жаҳон футбол уюшмаси—ФИФАга қабул қилинди. Энди Ўзбекистон сиёсат майдонидагина эмас, футбол оламида ҳам халқаро миқёсга чиқмоқда.

Хуллас, қарорнинг бир йил ичидаги аҳамияти, натижалари анча самарали. Биз футболда ҳам дунёга чиққан эканмиз, унга муносиб бўлишимиз керак. Натижалардан ҳар қанча фахрланмайлик, дунё талаблари муросасиз, кескинроқдир. Айниқса футболда. Шунинг учун энди ишларни янада жадаллаштирмоқ керак. Мисол учун илгари «Пахтакор» бирор туман жамоасини йирик ҳисобда ютса, кулиб қўя қолардик, «орадаги фарқ, даражадаги фарқ шунчада», дердик. Лекин энди халқаро учрашувда йирик ҳисобда ютқазишни эса бутун дунё эшитади, кўради.

Биз бошда қарор тўғрисида кўп гапирдиг у, уни ҳозирга келиб аста унута бошладик. Аввало жойларда. Қарор бўйича барча ҳокимлар футбол федерациясининг раислари ҳисобланади. Бундан «руҳланган» ҳокимлар ўшанда бинойидек иш қилишди. Ёшроқлари ҳатто майдонга тушиб тўп ҳам тепди. Йиғилишларда футбол масалалари ҳам кун тартибига кирадиган бўлди. Лекин эндичи?

Республика Вазирлар Маҳкамасида вақти-вақти билан у ёки бу тармоқ иши жиддий муҳокама қилинади. Қарорнинг бир йиллиги, қолаверса мустақил давлат футболи янги мавсуми бошланиши муносабати билан мазкур нуфузли даврада бу масалага қайтиб, қарор ва ижро маъносида муҳокамага қўйилганда улуғ иш бўларди. Аминманки, у миллионларнинг жони-дили бўлган бу ўйиннинг яна бир баҳя юқорилашини таъминлаган бўларди.

Гап очилиб кетди, юракдаги гапларни тўқиб солай. Бу гаплар азбаройи футбол учун жон ачиганидан, уни тезроқ дунё миқёсларида кўриш илинжида айтилмоқда.

Республика Президентининг спортга алоҳида эътибор билан қараётгани кишини тўлқинлантиради. Давлат бошлиғи соврини учун кураш мусобақаси ўтди. Ёзда теннис бўйича Президент кубоги учун халқаро турнир бўлади. Росмана теннис корти қурилиши ниҳоясига етмоқда. Мусобақага дунёнинг олди теннисчилари таклиф қилинган. Яна мустақиллик кубоги учун боксчилар халқаро мусобақаси каби мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Худди шундай нуфузли соврин учун футбол бўйича ҳам халқаро турнир санаса бўладиган томошабин тушади. Айб кимда? Томошабиндами ё мутасаддиларда?! Аввало ўйинлар соат 15, 16 ва 17 да бошланади. Кейин ўйин вақти тез-тез ўзгаради. Ўйиндан олдин санъаткорларнинг чиқишларини доимий тарзда ташкил қилиш керак.

Лотерея ўйинларини ҳам ўтказилса, ажойиб иш бўларди. Ахир мустақиллик даврида «Витес»дан бошқа ҳеч бир хорижий жамоа меҳмонимиз бўлмади. Футбол ўсиши кўп жиҳатдан халқаро мусобақаларга боғлиқ. Кучли жамоалар билан учрашишгина ўйинчилар маҳоратини оширади. Тўғри, ҳозир бу осон иш эмас, Собиқ пахтакорчилар Г. Денисов ва М. Қосимов ҳозир «Спартак» (Владикавказ)да. Ушр шартномасида ҳар йили биттадан ўртоқлик учрашуви ўтказиш бўйича алоҳида банд киритиш мумкинку. Пятницкий ва Кечинов бўйича ҳам Москванинг «Спартак»и билан шундай келишувга эришса бўларди.

Янги Футбол мавсуми давом этмоқда. Унга омад тилаш баробарида, уни янада қизиқарли ўтиши бўйича ўз фикрларимизни билдирмоқчиман. Ҳар қандай биринчиликнинг яхши ўтиши энг аввало, ўйинлар жадвалининг тўғри тузилганига боғлиқ. Мусобақа кунларини кўчириш ўзини оқламайди. Стадионларнинг тайёргарлиги, унда томошабин учун шароит масаласи ҳам жуда аҳамиятлидир. Бир қарашда майда ишдек кўринган — тамадди қилиш, салқин ичимликлар билан таъминлаш ҳар йили муаммо бўлади. Бундай хизмат шоҳобчаларини кўпайтириш керак, токи мухлислар бемалол, тўполонсиз ул-бул егулик еб олишга, чанқоғини бостиришга улгурсин.

Яна бир масала — бу ўйинлар рекламаси. Футбол учрашуви тўғрисидаги ёзувни Тошкентдек шаҳри азимда фақат икки жойда — «Пахтакор» стадионининг икки ёнбошида кўрасиз, холос. Жиндай қунт қилинса, бу масалада ҳам ажабтовур ишлар қилиш мумкин. Футбол кунлари стадион учун махсус транспортлар қатнови ҳам доимий муаммо. Шаҳар транспорти мутасаддилари бу масалага эътибор бersалар, чакки бўлмасди.

Футбол томошабин учун. Лекин бир неча йил бўлдики, бу борада ўзгариш йўқ. Ўйингоҳларга қўл билан керак. Шу йил кузда «Спорт» газетаси чиқа бошлаганига 60 йил тўлади. Уни республикамиз спортининг шодиёнаси даражасида ўтиши тўғрисида мутасаддилар ташкилотлар ҳозирдан тайёргарлик кўрсалар яхши бўларди.

Гап айланиб футбол тарғиботига тақалган экан, яна бир-икки мулоҳазани айтиб ўтмоқчиман. «Ўзбекфильм» 60-йилларда бир ажойиб фильм ишлаган эди. «Стадионда учрашамиз». Негадир у қўйилмай кетди. Қолаверса, кейинги пайтда спорт ҳақида, футбол тўғрисида умуман кино қилинмади. Ўша кезларда ишланган «Ёр-ёр» фильмидаги «Пахтакор» — Уруғвай миллий терма жамоалари ўйини лавҳасини ҳаяжонсиз кўриш мумкин эмас. Минг афсуски, ўз даврида афсонага айланган Г. Красницкий, Ҳ. Раҳматуллаев каби ўйинчиларимиз, «Пахтакор-79» ҳақида фильмлар йўқ. Мен бир қизиқиб суриштирганимда улар тасвирга олинган ленталар сақланмаган дейишди. Майли, уларнинг жойлари жаннатда бўлсин. Хўш, тирикларчи, улар ҳақида нима иш қилинмоқда? Биродар Абдураимов ўзбекнинг энг машҳур футболчиси бўлган, Миржалол Қосимов эса бугуннинг энг маҳоратли ўйинчиси. Балки улар суратга олинган ленталарни сақлаб қолиш керакдир. Балки ҳозирдан фильмлар ишлаш тўғридир.

Бу йил ёзда авиаҳалокатда нобуд бўлган ажойиб жамоа «Пахтакор—79»нинг вафот этганига 15 йил тўлади. Ўшанда қанча гап бўлди, лекин дурустроқ иш қилинмади. Спорт қўмитаси олдида ёдгорлик монументи ўрнатилганди. Қўмита янги бинога кўчди, ёдгорлик эса турибди. Уни «Пахтакор» стадионига ўрнатиш тўғрисидаги гап гаплигича қолиб кетмоқда. Умуман, бу санани лоақал бу йил муносиб ўтказиш ҳам эътиборга муҳтож. Ўша кезларда «Дружба народов» журналида чиққан пахтакорчилар фожиаси тафсилоти ҳақидаги ҳужжатли қиссани ниҳоят китоб қилиб чиқариш керак.

Умуман спортга ихтисослашган махсус нашриёт ташкил қилиш фурсати етди, шекилли. Агар масаланинг моддий жиҳати ўйлантирса, шуни айтиш мумкинки, нашриёт иши яхши йўлга қўйилса, у анча-мунча даромад ҳам келтиради. Мусобақалар дастурлари, даъватнор плакатлар, китоблар, открткалар чиқариш мумкин. Яна машҳур футболчиларнинг рангли суратлари чиқарилса ҳар бир ишқибоз уйига жон, деб осиб қўяди. Яна «Футбол» деган рангли журнал нашр этилса мухлислар учун унутилмас совға бўларди.

Бу гаплар баъзиларга эриш туюлиши мумкин. Лекин футбол фақат қуруқ стадиондагина камол топмайди. Уни ҳар томонлама тарғиб қилиш, қўллаб-қувватлаш зарур. Олди мамлакатларда футбол шунчаки спорт ўйини эмас, у санъат даражасига кўтарилган. У халқнинг дам оладиган, ҳордиқ чиқарадиган суюкли томошасига айланган. У сиёсат, у иқтисод, у тижорат. Яхши футбол кишиларга қувват бағишлайди. Уларнинг руҳини кўтаради. Кўтаринкилик бор жойда эса ишда ҳам барака бўлади...

Мустақил Ўзбекистон ўз байрамларига эга бўлди. Касб байрамлари, саналари ҳам белгиланмоқда. Балки 18 мартни — Вазирлар Маҳкамасининг футболни ривожлантириш тўғрисидаги қарори чиққан кунни эндиликда ўзбек спорти байрами ё ўзбек футболи байрами сифатида нишонласак тўғри бўлар. Ҳар йили янги футбол мавсумининг очилиши мана шу куни бўлса, чакки бўлмасди.

Маълумки, атоқли кишилар биринчи тўпни тепиб, мавсумни очиб беришади. Аслида футбол тўғрисида қарор чиқарганлар мустақил футболимизнинг биринчи тўпини рамзий маънода тепиб беришган. Энди футболимиз ҳам шунга муносиб бўлиши керак.

Аҳрор АҲМЕДОВ,
Ўзбекистон журналистлар уюшмаси мукофоти лауреати.

ТАКЛИФ,

МУАММО,

МУЛОҲАЗА

● СПОРТ

ПЕЛЕ ПАРИЖДА ЮНЕСКО ЭЛЧИСИ БЎЛДИ

Франция пойтахтида асримизнинг энг яхши футболчиси, бразилиялик Пелега нуфузли ЮНЕСКО ташкилотининг элчиси дипломи тантанали топширилди. Халқаро ташкилотнинг афсонавий спортчини танлашида эзгулик бор. Гап шундаки, Пеле бундан буён учинчи дунё мамлакатларидаги 80 миллион болани ҳимоя қилиш учун маблағ йиғиш ҳамда амалда ўз ҳолига ташлаб қўйилган етим-есирлар, касал ва тўйиб овқат емаслар ҳақида жаҳон жамоатчилиги фикрини уйғотиш йўлида саъй-ҳаракат қилиш билан шуғулланади.

ЮНЕСКО Пелени бу ишга шунчаки жалб қилгани йўқ. Боиси, Пеле қарийб чорак асрдан бери ўз ватанидаги ночор болаларнинг аҳволидан хабар олиш, кўмак бериш билан шуғулланиб келмоқда. У ҳатто ўзининг мингинчи тўп учун берилган совғасини ҳам уйсиз болалар учун мактаб ва ўйингоҳлар барпо этишга бағишлаган эди.

ТОШКЕНТДА ТЕННИС БАҲОРИ

Ўзбекистон заминига теннис баҳори келди. 30 апрель куни Тошкентда «Буюк ипак йўли» деб ном олган мусобақа бошланади. Халқаро тақвим (календарь)даги «Сателлит» тизимига кирадиган бу мусобақада профессионал спортчилар иштирок этишади.

Теннис тарихида СССРнинг собиқ республикаларида бирон марта ҳам бундай мусобақа ўтказилган эмас. Ўзбекистон 25 минг Америка доллари миқдоридаги соврин жамғармаси бўлган «Сателлит» мусобақасини биринчи бўлиб ташкил этмоқда. Бу мусобақанинг нуфузини шу нарса ҳам белгилайдики, унда иштирок этадиган спортчилар сафи сифат жиҳатидан ҳам, миқдор жиҳатидан ҳам чекланган. Бу мусобақада жаҳон теннисчилари рўйхатининг энг олдида турганларгина иштирок этиши мумкин. Бу тонфа мусобақаларда Халқаро Теннис Федерацияси (ИТФ) ва профессионал теннисчилар халқаро уюшмаси (АТР) доирасида етакчилик учун кураш боради.

Мусобақа бу гал Ўзбекистоннинг икки шаҳрида, яъни Тошкент ва Самарқандда бўлиб ўтади.

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

Хатирчи туманидаги Ибн Сино номли жамоа хўжалиги бошқаруви республика аҳамиятидаги шахсий пенсионер, меҳнат фахрийси

Абдураҳмон бобо ПУЛАТОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг қариндош-уруғларига таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Адабиёт институти жамоаси институт директорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари, профессор Э. Каримовга ва илмий ходим М. Соиповага оналари

Сабринисо Ғозиназар қизи КАРИМОВАнинг

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Тошкент Давлат техника дорилфунуни «Фалсафа» таҳсилгоҳи ва касаба уюшмаси жамоаси фалсафа фанлари доктори, профессор А. А. Ортиқовга турмуш ўртоғи

ҲАМРОХОН аянинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради ва таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг суд-тиббий экспертиза Бош бюроси жамоаси Фарғона вилояти суд-тиббий экспертизаси бошлиғи Ҳасанали Ҳайдаровга волидаи муҳтарамалари

ЛОБАРХОН аянинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этадилар.

Ўзбекистон Республикаси монтаж ва махсус қурилиш ишлари уюшмаси жамоаси уюшма раисининг ёрдамчиси А. Назаровга отаси

Абдусамад НАЗАРОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»

Бош муҳаррир Азим СУЮН.

Таҳрир ҳайъати: Абдулла ОРИПОВ, Абулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Аслиддин БОЛИЕВ (масъул котиб), Зиёд ДАВРОНОВ, Ислом ШОҒУЛОМОВ, Каримжон РИХСИЕВ, Миршароф МУҲСИМОВ, Олимжон НАЗАРОВ, Тўхтамурод ТОШЕВ (бош муҳаррир ўринбосари, «Осиё бозори» иловаси учун масъул), Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти бўлими — 33-21-43.
Иқтисодиёт бўлими — 33-47-80, 32-54-27.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ бўлими — 33-54-55, 32-26-70.
Адабиёт, фан ва маданият бўлими — 33-07-20, 32-57-19.
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 33-11-49, 33-76-04.
Ахборот ва спорт бўлими — 33-12-56, 32-55-16.
Тижорат, эълонлар — «Осиё бозори» редакцияси — 33-41-89, 32-55-70, 33-38-55, 32-54-12.
Шароф Рашидов фонди — 33-34-69, 33-20-36.
Қабулхона — 33-65-45, 32-55-15.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 5-27-11; Бухорода — 3-96-12; Гулистонда — 2-26-22; Жиззахда — 3-46-24; Наманганда — 6-43-43; Нукусда — 7-58-83; Қаршида — 3-25-79; Қумқўрғонда — 32-624; Самарқандда — 35-22-90; Урганчда — 6-72-60; Фарғонада — 6-3716.

● Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000120.
Газета офсет усулида А—2 форматида босилади.
Ҳажми 2 босма табоқ.
Босишга топшириш вақти — 21.00.
Г — 890 тир. 85501. топширилди — 22.00.
Навбатчилар: М. МУҲСИМОВ, М. МИРФАЙЗИЕВ.



МАНЗИЛИМИЗ: 700083. ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили «БуюкТурон» кўчаси 41-уй.